БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 32 (16.418). | 8 февраль 1976 йил, якшанба | Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ XIX СЪЕЗДИ КПСС ЛЕНИНЧИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА УНИНГ СИЁСИЙ БЮРОСИНИ, ШАХСАН КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ УРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВНИ РЕСПУБЛИКА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ БУНДАН БУЁН ҲАМ СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИНИНГ ЖАНГОВАР, ИШОНЧЛИ ВА СОДИҚ ОТРЯДИ БЎЛИБ ҚОЛАВЕРАДИ, ДЕБ ИШОНТИРАДИ. ТАШКИЛОТЧИЛИК ВА СИЁСИЙ ИШНИНГ ЯНГИ ТАЖРИБАСИ БИЛАН БОЙИГАН ЎЗБЕКИСТОН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ КПСС XXV СЪЕЗДИ УРТАГА ҚЎЯДИГАН ҲАММА ВАЗИФАЛАРНИНГ БАЖАРИЛИШИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

СЪЕЗД ЯРИМ МИЛЛИОНЛИ КОММУНИСТЛАР АРМИЯСИ НОМИДАН ЎЗБЕКИСТОН ИШЧИЛАРИ, КОЛХОЗЧИЛАРИ, ЗИЁЛИЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА МУРОЖААТ ҚИЛИБ, УЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ВА ИШ СИФАТИНИ ОШИРИШ УЧУН, УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ХАЛҚ ХЎЖАЛИК ПЛАНЛАРИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ БАЖАРИШ УЧУН БОШЛАНГАН БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИГА АКТИВ ҚУШИЛИШГА, КЎП МИЛЛАТЛИ, УЛУҒ СОЦИАЛИСТИК ВАТАНИМИЗНИ ЯНАДА РАВНАҚ ТОПТИРИШ ЙЎЛИДА ИЛҲОМ БИЛАН ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ ҚИЛИШГА ЧАҚИРАДИ!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТИ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XIX СЪЕЗДИНИНГ РЕЗОЛЮЦИЯСИ

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съезди зўр мамнуният билан таъкидлайдики, совет халқи Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети раҳбарлигида тўққизинчи беш йилликнинг асосий социал-иқтисодий вазифаларини муваффақиятли бажарди, коммунизм йўлидан олға томон янги яхши қадам қўйди. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқлари бир маромда, муттасил ривожланиб борди, совет кишиларининг моддий фаровонлиги ва маданий даражаси тинимсиз ошди. Тўққизинчи беш йиллик мамлакатимиз тарихида муносиб ўрин олади.

XXIV съезд қарорларини амалга ошириш йўлидаги курашда партия революцион ўзгартувчилик фаолиятининг янги тажрибаси билан бойиди, унинг совет жамияти ҳаётидаги ташкилотчилик ва раҳбарлик роли янада кўпроқ ошди, омма билан алоқаси мустаҳкамланди. Ҳамиша бўлганидек, партия марксизм-ленинизм назарясини ривожлантирди ва амалда ижодий татбиқ этди. Партия турмушининг ленинча нормаларини ва партия раҳбарлиги принципларини янада қарор топтиришдан иборат самаралн жараён давом эттирилди.

Одамларнинг янги тарихий бирлиги бўлган совет халқининг ғоявий-сиёсий якдиллиги янада кўпроқ мустаҳкамланди. Социалистик ижтимоий муносабатлар муваффақиятли ривожланди, СССР халқларининг бузилмас қардошларча дўстлиги кучайди, СССР ва иттифоқдош республикаларнинг 50 йиллиги, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган Ғалабанинг 30 йиллиги байрамлари ленинча миллий сиёсат тантанасининг, социалистик тузум буюк ҳаётий кучининг яккол ва ишонарли намойишига айланди.

Социалистик мамлакатлар марксчи-ленинчи партияларининг бирлиги ва жипслиги, халқларнинг ҳамкорлиги ва дўстлиги ҳозирги замондаги барча революцион ва демократик кучларнинг биргашув жараёни йил сайин мустаҳкамланмоқда. КПССнинг олисни кўзловчи доно ташқи сиёсати совет кишиларининг социализм мамлакатлари ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг туб манфаатларига мос бўлиб тушмоқда. Тинчлик программасини амалга ошириш йўлидаги изчил кураш туфайли кескинлик юмшади, Совет Иттифоқининг халқаро обрў-эътибори янада ўсди.

XIX съезд Ўзбекистон меҳнаткашларининг якдил фикрини ифодалаб, Коммунистик партиянинг ички ва ташқи сиёсатини. Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюросининг самаралн фаолиятини қизғин маъқуллайди, батамом ва тўла-тўкис қўллаб-қувватлайди.

Съезд делегатлари КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия билан давлат ички ва ташқи сиёсатининг ҳамма энг муҳим проблемаларини ишлаб чиқиб, амалга оширишдаги буюк ролини астойдил миннатдорчилик туйғуси билан таъкидлайдилар. Леонид Ильич Брежневнинг революцион умидворлик билан, совет кишилари бахт-саолати ва ер юзида тинчлик тўғрисидаги ғамхўрлик руҳи билан суғорилган тинимсиз, собитқадам фаолияти мамлакатимиз халқларининг ва бутун тараққийпарвар инсониятнинг эътирофи ва миннатдорчилигига сазовор бўлди.

Республика коммунистлари, ҳамма меҳнаткашлари 1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг Асосий йўналишларида бунёдкорлик ишларининг КПСС Марказий Комитети белгилаб берган янги реалистик программасини завк-шавқ билан кутиб олдилар ва тўла-тўкис маъқулладилар. Меҳнат коллективлари ана шу муҳим сиёсий ҳужжатга. КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қарорларига амал қилиб, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили вазифаларини амалга ошириш соҳасидаги ишларни зўр ғайрат билан авж олдириб юбордилар, партиянинг навбатдаги XXV съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўрмоқдалар.

Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети номидан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов қилган ҳисобот докладни тинглаб ва муҳокама қилиб, мамнуният билан таъкидлайдики, Ленин партияси Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари СССР халқларининг ягона, кардошлик оиласида КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг доимий ёрдами ва мадади туфайли партия XXIV съезди қарорларини муваффақиятли равишда амалга оширдилар, тўқкизинчи беш йиллик тоширириқларини ҳамма асосий кўрсаткичлар бўйича ошириб бажардилар.

Ҳисобот даврида алғи иқтисодий маҳсулот 41 процент кўпайди. Республиканинг иқтисодий потенциали анча ўсди. Миллий даромад белгиланган даражадан ошиб, 12 миллиард сўмдан зиёд бўлди. Асосий ишлаб чиқариш фондлари 1,7 баравар кўпайди.

Экономиканинг асосий тармоғи — индустрияда ишлаб чиқариш ҳажми КПСС XXIV съезди Директиваларида кўзда тутилган 46-49 процент ўрнига 51 процент ошди. Пландан ташқари салкам 1,7 миллиард сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Бутун халқ хўжалигидаги фан-техника тараққиётини белгилаб берадиган тармоқлар анча юксак суръатлар билан ривожланди. Машиналар, механизмлар, приборлар, материаллар ҳамда бошқа саноат ва озиқ-овқат молларининг етти мингта янги турини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ишлаб чиқарувчи кучларни жойлаштириш яхшиланди, табиий ресурслардан янада мақбулроқ фойдаланилмоқда.

Транспорт ва алоқа янада ривож топди. Янги ҳаво йўллари, темир йўл ва автомобиль магистраллари ишга туширилди.

Капитал қурилиш кенг кўламда ва янада юксак суръатлар билан олиб борилди. Капитал маблағ ҳажми 19 миллиард сўмга, яъни шундан аввалги иккита бешйиллик ҳажмига деярли тенг миқдорга етди. Юздан ортиқ замонавий саноат корхоналари ва цехлари ишга туширилди, ишлаб турган кўпгина корхоналар реконструкция қилинди ва техника билан қайта қуроллантирилди.

Партиянинг аграр сиёсати изчиллик билан амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалигининг комплекс ривожланишига эришилди. Беш йил мобайнида унинг ялпи маҳсулоти деярли 30 процент кўпайди. Колхоз ва совхозларнинг экономикаси мустаҳкамланди. Деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотининг ҳамма турларини харид қилиш тошириқлари ошириб бажарилди.

Фан-техника тараққиёти ютуқларини кенг қўлланиш асосида пахтачиликда айниқса катта силжишлар содир бўлди. Қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимларининг, ишчилар синфининг қаҳрамонона меҳнати туфайли республика ўзининг интернационал бурчини шараф билан бажарди. Мамлакат 24,5 миллион тонна ,яъни халқ хўжалик планида белгиланганидан 2,3 миллион тонна кўп пахта олди. Энди ҳосилнинг ярмидан кўпи машинада терилмоқда.

Суғориладиган ерларда дон, айниқса шоли ва маккажўхори етиштириш кескин кўпайди. Сабзавот, картошка, полиз маҳсулотлари, мева ва узум етиштириш бир ярим-икки баравар кўпайди, бу эса республика аҳолисини ва мамлакат саноат марказларининг аҳолисини шу маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш имконини берди. Чорвачиликни концентрациялаш, ихтисослаштириш ва саноат негизига ўтказиш соҳасида катта иш олиб борилди. Унинг ялпи маҳсулоти беш йил мобайнида 30,8 процент кўпайди.

Сув хўжалиги қурилиши тез суръатлар билан олиб борилмоқда. Қисқа муддат ичида катта-катта ноёб гидротехника комплекслари, магистрал каналлар ва насос станциялари қурилди. КПСС XXIV съезди Директиваларига биноан Мирзачўл, Сурхон—Шеробод, Қарши, Жиззах даштларини ва Қорақалпоғистон АССРдаги янги ерларни ўзлаштириш кенг кўламда давом эттирилмоқда. Ярим миллион гектардан кўпроқ суғориладиган ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Қўриқ ерларда 50 та совхоз ташкил этилди.

Республикада халқ хўжалигини бошқариш структураси, ўни планлаштириш такомиллаштирилмоқда. ишлаб чиқаришни ўстириш учун иқтисодий воситалардан, маънавий ва моддий рағбатлантириш омилларидан янада самаралироқ фойдаланиладиган бўлиб қолди. Беш йиллик да ташкил этилган кўпгина саноат-ишлаб чиқариш ва аграр-саноат бирлашмалари ҳамда комплекслари яхши кўрсаткичларга эришди.

Тўққизинчи беш йилликнинг бош вазифасига мувофиқ социал тадбирларнинг кенг программаси амалга ошириляпти, бу эса барча меҳнаткашлар фаровонлигини янада оширишни таъминлади. Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақи кўпайди, колхозчиларнинг даромадлари ва ижтимоий истеъмол фондларидан бериладиган тўловлар ошди. Халқ истеъмол киладиган молларни ишлаб чиқариш бир ярим баравар кўпайди. Товар оборoти 2.2 миллиард сўм миқдорида, маиший хизмат ҳажми икки баравар ортди. Икки миллион 800 мингга яқин киши янги, обод квартира олди ва ўз уй-жой шароитларини яхшилади. Турмуш маданиятини ошириш, шаҳарларни ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш, ҳутор системасини тугатиш масалалари республика партия ташкилотининг диққат марказида турди. Меҳнаткашларга медицина хизмати кўрсатишни, уларнинг меҳнат шароити, дам олиши ва жисмоний тарбиясини яхшилаш тўғрисида зўр ғамхўрлик қилинди.

Фан ва техника янада ривож топди. Фанлар академияси, илмий тадқиқот ва лойиҳа-конструкторлик муассасалари илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини оширдилар, илмий кадрлар тайёрлашни яхшиладилар, ишлаб чиқариш билан алоқани мустаҳкамладилар. Фан ва техника ютуқларини халқ хўжалигига жорий этиш юзасидан 240 мингта тадбир амалга оширилди. Илм-фаннинг барча соҳаларида салмоқли тадқиқотлар ўтказилди. Халқ маорифи янги босқичга кўтарилди. Олий ўқув юртлари, техникумлар, ҳунартехника билим юртларининг шохобчалари кенгайди, уларнинг малакали мутахассислар ва ишчилар синфининг янги авлодини тайёрлаш соҳасидаги иши яхшиланди.

Идеология ишининг мазмуни бойиди, бу иш янада таъсирчан бўлиб қолди. Марксизм-ленинизм ғояларини пропаганда қилишга ,меҳнаткашларнинг илмий дунёқарашини шакллантиришга уларни пролетар интернационализми, совет ватанпарварлиги ва СССР халқлари дўстлиги руҳида, меҳнатга, жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш, юксак интизом ва уюшқоқлик руҳида тарбиялашга аввалгидек алоҳида эътибор берилди. Партия ўқуви ва меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими системаси такомиллаштирилди. Партия ташкилотлари социалистик мусобақага раҳбарликни яхшиладилар. Социалистик мусобақа кенг қулоч ёзди, унинг янги-янги таъсирчан формалари юзага келди. Ишлаб чиқариш новаторлари ва илғорларининг қимматли ташаббусларини оммалаштиришга катта аҳамият берилди.

Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда матбуот, телевидение, радио, адабиёт ва санъатдан яхшироқ ва тўлиқроқ фойдаланиладиган бўлиб қолди, китоб нашр этиш иши кенгайди.

Хотин-қизларнинг республика олдида турган социал-иқтисодий вазифаларни ҳал этишда меҳнат ғайрати ва ижтимоий-сиёсий активлиги муттасил ошиб борди.

Ҳисобот даврида Ўзбекистон Компартияси ўсди, ташкилий ва сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланди, унинг раҳбарлик фаолияти такомиллаштирилди, омма билан алоқаси мустаҳкамланди. Партия сафларининг сифат состави яхшиланди, коммунистларнинг активлиги ва интизоми ошди. Партия ҳужжатларини алмаштириш бутун ички партия ҳаётига самарали таъсир ўтказди.

Съезд мамнуният билан таъкидлайдики, республика партия ташкилотила ленинча иш услуби сабот билан жорий этилмоқда. Комил ишонч, ўртоқлик, юксак ўзаро талабчанлик муҳити қарор топди, бу эса партия органларида ўтказилган ҳисобот ва сайловларда зўр куч билан намоён бўлди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, кўпгина область, шаҳар ва район партия комитетлари хўжалик ва маданий қурилишга партия раҳбарлиги самарадорлигини ошириш, ташкилотчилик ва сиёсий ишни такомиллаштириш масалаларига кўпроқ эътибор бера бошладилар.

Партиянинг кадрларга доир сиёсати қатъият ва изчиллик билан амалга оширилди. Партия, давлат, хўжалик ва жамоат фаолиятининг ҳамма соҳалари омилкор ташкилотчилар ва мутахассислар билан мустаҳкамланди. Кадрларга талабчаликни ошириш билан бирга уларга ҳурмат билан қарашга эътибор берилди. Ходимларни алмаштира бериш анча камайтирилди. Кадрлар состави анча стабил бўлиб қолди. Одамлар ижодий меҳнат қилмоқдалар, ташаббус ва активлик кўрсатмоқдалар. Олий партия мактаби, партия ҳамда совет ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш доимий курслари ўз ишини яхшилади.

Партия ички демократияси, танқид ва ўз-ўзини танқид янада ривож топди, коллектив раҳбарлик принципи янада қарор топтирилди, партия қарорларининг ижроси ва коммунистларнинг таклифларини рўёбга чиқариш устидан контроллик яхшиланди, янада мунтазам тус олди. Перспектив планлаштириш практикаси такомиллаштирилди. Ташкилий-партиявий иш методик кенгашлари ва кабинетлари партия активларига конкрет ёрдам бериб турдилар. Бошланғич цех партия ташкилотлари, партия группаларининг тармоғи кенгайди, обрўси ошди, жанговарлиги кўтарилди, уларнинг меҳнат коллективларидаги таъсири кучайди.

Хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этишда Советларнинг, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотларининг, халқ контроли органларининг роли оширилди.

Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди эришилган муваффақиятларни муносиб баҳолаш билан бирга, айрим партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, министрликлар, идоралар ва корхоналар мавжуд имкониятлар ва резервлардан тўла-тўкис фойдаланишга эришмадилар. саноат ишлаб чиқариши ва меҳнат унумдорлигини планли равишда ўстиришни таъминламадилар, деб ҳисоблайди. Бир қанча корхоналарда фондларнинг самарадорлик даражаси паст, ишлаб чиқариш қувватларидан етарли фойдаланилмаяпти, янги техникани жорий этиш планлари бажарилмаяпти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши замонавий талабларга тўла-тўкис мувофиқ эмас. асбоб-ускуналарнинг бекор туриб қолишига ва иш вақтининг зое кетишига йўл қўйилмоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг жами ҳажмида Сифат белгиси берилган маҳсулотлар оз.

Айрим министрликлар ва идоралар ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондларни ўз вақтида ишга туширмаяптилар, қурилишнинг смета қиймати ошиб кетишига ҳамда маблағ ва материалларнинг кўпдан-кўп объектларга сочиб юборилишига йўл қўяяптилар. Шаҳар ва қишлоқларни лойиҳалаш ҳамда қуришда, кооператив қурилишни ташкил этишда нуқсонлар бор.

Айрим районлар ,колхоз ва совхозлар пахтадан паст ҳосил олмоқдалар, дон, гўшт, сут, тухум, жун, сабзавот, картошка, мева ва узум етиштириш планларини бажармаяптилар. Қишлоқ хўжалигини машина-механизмлар билан таъминлаш тез ўсиб бораётганлигига қарамай, меҳнат унумдорлиги ҳали суст ўсмоқда.

Кўпгина партия, совет ва хўжалик органлари ишлаб чиқариш рентабеллигини, маҳсулот сифатини ошириш, меҳнатни ташкил этишни ва ишлаб чиқариш бошқаришни яхшилаш учун курашда лозим даражада қатъият кўрсатмаяптилар.

Аҳолининг ўсиб бораётган маданий-маиший эҳтиёжлари ҳали ҳамма жойда ҳам тўла-тўкис кондирилаётгани йўқ. Бир қанча шаҳар ва районларда уй-жой ва коммунал қурилиш, мактаблар, болалар муассасалари ва медицина муассасалари қуриш планлари бажарилмаяпти. Савдо ва умумий овқатланишда, меҳнаткашларга пассажир транспорти ва алоқа воситалари хизматида катта нуқсонлар бор.

Мактабгача тарбия муассасалари, умумий таълим мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлар, олий ўқув юртлари ва илмий тадқиқот ташкилотлари ишини янада яхшилаш зарур.

Фанлар академияси, министрликлар ва идоралар ҳамиша ҳам илмий кучларни, материал ва молия ресурсларини халқ хўжалигининг энг муҳим проблемаларини ҳал этишга жамлаётганлари йўқ, илмий тадқиқотларнинг натижаларини ишлаб чиқаришга суст жорий этмоқдалар.

Идеология ишида айрим партия ташкилотлари меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган сиёсий, умумий таълим ва маданий даражасини тўла-тўкис ҳисобга олмаяптилар, коллективларда тарбиявий ишни дуруст олиб бормаяптилар, меҳнат, давлат интизомини ва социалистик қонунчиликни бузиш ҳолларига муросасозлик билан қараяптилар. Оммавий агитация ишида, лекция пропагандасида, маданий-оқартув муассасаларининг, нашриётларнинг, ижодий союзларнинг фаолиятида камчиликлар бор.

Баъзи партия комитетлари раҳбарлик услуби ва методларини, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш ишини, ижрони текширишни ташкил этишни дуруст такомиллаштирмаяптилар, партия ҳужжатларини алмаштириш давомида орттирилган бой тажрибадан етарли фойдаланмаяптилар.

Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иши қониқарли деб топилсин.

2. КПССнинг ижтимоий ишлаб чиқаришни муттасил ва пропорционал ривожлантириш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, халқ хўжалигининг ҳамма бўғинларида иш сифатини бутун чоралар билан яхшилаш асосида халқ турмушининг моддий ва маданий даражасини янада юксалтириш йўли изчиллик билан амалга оширилишини таъминлаш Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг, республикадаги барча партия комитетлари ва партия ташкилотларининг бош вазифаси деб ҳисоблансин.

3. Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари, совет ва хўжалик органлари зиммасига ўнинчи беш йилликда ишлаб чиқаришнинг муттасил ўсишини ва унинг структурасини такомиллаштиришни таъминлаш, фан-техника тараққиётини белгилаб берувчи тармоқлар — электр энергетика, электрон, электр техника, металлургия, химия, газ саноатини янада тезроқ ривожлантириш, шунингдек оғир ва енгил саноат учун, қурилиш учун, пахтачиликни ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа соҳаларини комплекс механизациялаш учун керакли машина ва ускуналар ишлаб чиқаришни янада тез ривожлантириш вазифаси юклатилсин. Ишлаб чиқарувчи кучларни янада рационал жойлаштириш, кичик шаҳарларда ва қишлоқ жойларда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожини тезлаштириш, табиий, моддий-техникавий ва меҳнат ресурсларидан тўлиқроқ фойдаланиш лозим. Хўжалик механизмининг ҳамма бўғинларида планлаштиришни янада такомиллаштириш, халқ хўжалигини бошқаришни сабот билан яхшилаш зарур. Орттирилган тажрибани ҳисобга олиб саноат-ишлаб чиқариш ва аграр-саноат бирлашмалари ҳамда комплексларини барпо этиш давом эттирилсин.

4. Съезд корхоналарни реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш суръатларини тезлаштиришни, илғор технологияни кенг жорий этишни, фондларнинг самарадорлигини оширишни, меҳнат, материал ва молия ресурсларини бутун чоралар билан тежашни муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидаги ишлаб чиқариш жараёнларини, айниқса ёрдамчи ва кўмакчи ишларни комплекс механизациялаш ва автоматлаштиришни тезроқ амалга ошириш зарур.

5. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, министрликлар, идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари область, шаҳар ва район Советларининг ижроия комитетлари зиммасига ҳар бир меҳнат коллективининг уюшқоқлик билан бир маромда ишлайдиган бўлиши, халқ хўжалик планлари ва олинган социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўриш вазифаси юклатилсин. Оғир индустрияни юксалтириш билан бирга енгил, озиқ-овқат ва маҳаллий саноат корхоналарига, халқ истеъмол қиладиган юқори сифатли моллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришга кўпроқ эътибор берилиши лозим.

Меҳнаткашларнинг ижодий активлигини, новаторликни, ихтирочилар ва рационализаторлар ҳаракатини ҳар томонлама ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, илмий-техника жамиятларининг, партия комитетлари ҳузуридаги фан-техника тараққиётига кўмаклашиш кенгашларининг ишини яхшилаш лозим.

6. Съезд капитал қурилишни янада ривожлантиришга, капитал маблағ самарадорлигини оширишга жуда муҳим аҳамият беради. Партия, совет ва хўжалик органлари ресурсларни ишга туширадиган қурилишларга тўплашга, қурилиш муддатини қисқартириш ва қийматини пасайтиришга, прогрессив материаллар ва конструкцияларни кенг жорий этишга, қурилиш ишларини планлаштириш ва ташкил этишни яхшилашга эришишлари зарур. Янги ишлаб чиқариш қувватлари, уй-жой бинолари ва маданий-маиший объектлар ўз вақтида, комплекс тарзда ишга туширилиши таъминлансин. Қурилиш, архитектура ва лойиҳа ечимлари сифати яхшилансин, шаҳарлар ва аҳоли пунктларини қуришда ободончилик ишлари даражаси оширилсин.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XIX СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ «1976–1980 ЙИЛЛАРДА СССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ» ТЎҒРИСИДА ПАРТИЯ XXV СЪЕЗДИГА ЛОЙИҲАСИ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съезди КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳаси ҳақида Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раиси ўртоқ Н. Ж. Худойбердиевнинг докладини тинглаб ва муҳокама қилиб, ўнинчи беш йилликда хўжалик ва маданий қурилишнинг КПСС Марказий Комитети томонидан ишлаб чиқилган янги улуғвор ва реалистик программасини батамом ва тўла-тўкис маъқуллайди.

КПСС Марказий Комитетининг партия ленинча бош йўлига батамом мувофиқ лойиҳаси совет халқининг асосий ҳаётий манфаатларига мос келади, ижтимоий ишлаб чиқаришни жадал ва мутаносиб ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини тезлаштириш, халқ хўжалигининг барча бўғинларида иш сифатини ҳар тарафлама яхшилаш вазифаларини илмий асосланган ҳолда ифода қилади. Ана шу вазифаларни амалга ошириш коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда, мамлакатимизнинг экономикаси ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашда, меҳнаткашларнинг фаровонлигини оширишда муҳим босқич бўлади. Асосий йўналишлар лойиҳаси Совет Иттифоқидаги барча қардош республикаларнинг экономикаси ва маданиятини равнақ топтириш тўғрисида Коммунистик партиянинг жуда катта меҳрибонлиги билан суғорилгандир.

КПСС Марказий Комитетининг лойиҳасида Ўзбекистоннинг ишлаб чиқарувчи кучларини интенсив ривожлантириш кўзда тутилганлиги республика ишчилари, колхозчилари, зиёлиларининг сиёсий ва меҳнат активлигини янада эшириб юборди, улар ўнинчи беш йилликда мўлжалланган бунёдкорлик вазифаларини муваффақиятли бажариш учун барча куч-ғайратларини сарфлашга астойдил аҳд қилганликларини изҳор этмоқдалар.

XIX съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар, район партия комитетлари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари зиммасига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарори асосида ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун 1976 йилги халқ хўжалиги планини ва умуман беш йилликни муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбориш, оммानинг меҳнат ва сиёсий активлигини ҳар тарафлама ривожлантириб, уни ишлаб чиқаришни жадал юксалтиришнинг янги имкониятларини қидириб топишга сафарбар этиш вазифасини юклайди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ҲИСОБОТИ ЮЗАСИДАН ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ XIX СЪЕЗДИНИНГ

РЕЗОЛЮЦИЯСИ

(Боши биринчи бетда).

7. Транспорт ва алоқани жадал ривожлантириш зарурлигига партия, совет ва хўжалик органларининг алоҳида эътибори қаратилсин. Транспорт воситаларидан, уларнинг юк кўтариш қобилияти ва сиғимидан янада самаралироқ фойдаланишга, вагонлар, кемалар, автомобиллар ва самолётларнинг юк ортиш-туширш ва техникавий операциялар вақтида туриб колишини камайтиришга, юксиз юришини қисқартиришга эришилсин. Пассажир транспортининг иши яхшилансин. Тошкент метрополитени қурилиши жадаллаштирилсин. Халқ хўжалигининг эҳтиёжларига мувофиқ транспортнинг ҳамма турлари тармоғи кенгайтирилсин, телефон, телеграф ва почта алоқаси ишидаги камчиликларни тугатиш учун таъсирчан чоралар кўрилсин.

8. Съезд партиянинг аграр сиёсатини бундан буён ҳам сабот билан амалга ошира беришни, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини интенсивлашга эришаберишни ғоят муҳим вазифа деб ҳисоблайди. Партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органларининг, барча қишлоқ меҳнатчиларининг бутун куч-ғайрати Ватан олдидаги ватанпарварлик бурчини бажаришга қаратиларверсин — пахтачиликнинг интенсив ривожлантирилиши таъминлансин, 1980 йилга бориб пахта етиштириш 6 миллион тоннага етказилсин.

Пахта-беда алмашлаб экишни тўла-тўкис ўзлаштириш, толаси юқори сифатли бўлган пахтанинг касалликларга чидамли, серҳосил навларини ишлаб чиқаришга жорий этиш тадбирлари амалга оширилсин. Пахта етиштиришни, ғўзани суғоришни ва ҳосилни теришни механизациялаш иши давом эттирилсин. Қарши даштида ингичка толали пахта етиштириладиган катта район барпо этилсин, шунингдек Сурхондарё ва Бухоро областларида ингичка толали пахта экиладиган майдонлар кенгайтирилсин. Қарши, Жиззах, Сурхон-Шеробод даштлари, Мирзачўл, Қорақалпоғистон АССР, Марказий Фарғонанинг, республикадаги ҳамма областларнинг янги ерлари аввалгидек юксак суръатлар билан ўзлаштирила берсин. Камида 462 минг гектар суғориладиган ер қишлоқ хўжалик оборотига киритилсин, уй-жой, ишлаб чиқариш ва маданий-маиший объектлари қурилиши тезлаштирилсин. Ирригация-мелиорация ишлари бутун чоралар билан ривожлантирилсин, Туямўйин, Андижон, Таллимаржон сув омборлари ва бошқа муҳим гидротехника иншоотлари қурилишини жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилсин.

Қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш таминлансин. Айниқса суғориладиган ерларда дон етиштириш анча кўпайтирилсин. Қорақалпоғистон АССРда, шунингдек Тошкент, Хоразм, Сурхондарё ва Сирдарё областларида шоликорликни янада ривожлантириш ишлари давом эттирилсин. Маккажўхори экиладиган майдонлар кенгайтирилсин, унинг ҳосилдорлиги оширилсин. Мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш кўпайтирилсин.

Съезд партия, совет ва қишлоқ хўжалик органлари зиммасига гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотларини етиштиришни бутун чоралар билан кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини яхшилашни таъминлаш вазифасини юклайди. Ем-хашак базасини янада ривожлантириш, юқори сифатли емни саноат асосида ишлаб чиқариш юзасидан қўшимча катта тадбирлар амалга оширилсин. Чорвачилик планли равишда саноат негизига ўтказилсин. Хўжаликлараро кооперация ва аграр-саноат интеграцияси асосида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ҳамма тармоқларини ихтисослаштириш йўли бундан буён ҳам қатъият билан амалга оширилсин.

Совхозлар ва колхозларда давлат интизомини янада мустаҳкамлашга эришилсин, уларнинг молиявий хўжалик фаолияти устидан контроллик кучайтирилсин.

9. Меҳнаткашларнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини тобора тўла-тўкис қондириш партия, совет, касаба союз ва хўжалик органларининг жуда муҳим аҳамияга эга бўлган вазифаси бўлиб қолавериши лозим. Саноат ва озиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни янада кўпайтириш, коммунал ва маиший хизматни кенгайтириш, савдо ва умумий овқатланишни, социал таъминотни ташкил этишни, меҳнат шароитларини, аҳолига медицина, хизмати кўрсатишни яхшилаш керак. Улуғ Ватан уруши ногиронлидлари ва қатнашчиларига, партия ва меҳнат ветеранларига, ҳалок бўлган жангчиларнинг оилаларига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилиши зарур.

10. Съезд меҳнаткашларда марксча-ленинча дунёқарашни, юксак ғоявий-сиёсий фазилатлар ва коммунистик ахлоқни шакллантириш идеология ишининг марказида бўлиши лозим, деб ҳисоблайди. Буржуа ва ревизионистик идеологияга қарши муросасиз ҳужумкор кураш олиб бориш давом эттирилсин, меҳнаткашларда меҳнатга ва жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш туйғусини тарбиялаш, уларнинг ижодий активлигини ривожлантириш, онгли интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш зарур. Сиёсий ўқув ва иқтисодий таълим системаси такомиллаштирилсин.

Янги инсонни тарбиялаб вояга етказишда меҳнат коллективларининг таъсиридан, социалистик мусобақадан, меҳнатнинг маънавий ва моддий омилларидан тўлиқроқ фойдаланиш керак. Меҳнаткашларнинг тобора ўсиб бораётган маънавий эҳтиёжлари тўлароқ қондирилсин.

Социалистик турмуш тарзини изчиллик ва сабот билан қарор топтириш, меҳнаткашларни, айниқса ёшларни бундан буён ҳам Коммунистик партиянинг қаҳрамонона тарихи, совет халқининг жанговар ва меҳнат анъаналари намунаси асосида, Ватанга чексиз муҳаббат, социалистик интернационализм руҳида, халқларнинг бузилмас дўстлиги ва қардошлиги, мамлакатимиздаги ҳамма миллат ва элатларга чуқур ҳурмат руҳида тарбиялаш — партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, идеология фронти барча ходимларининг вазифасидир. Одамлар онгидаги ўтмиш сарқитларига қарши қатъий кураш олиб борилсин, янги совет урф-одатлари ва расм-русмлари кенг жорий этилсин.

11. Меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда матбуот, телевидение, радио, адабиёт ва санъатдан тўлиқроқ фойдаланиш лозим. Езувчилар, композиторлар, рассомлар, кино ва театр арбоблари ажойиб воқелигимизни, совет турмуш тарзини мароқлироқ ва мазмунлироқ акс эттиришлари, замондошимизнинг бой манъавий қиёфасини тўлароқ тасвирлаб беришлари керак. Санъаткор зиёлиларнинг ишлаб чиқариш коллективлари билан ҳамдўстлиги ҳар томонлама мустаҳкамлансин, маданий оқартув муассасаларининг фаолияти яхшилансин, улар юксак социалистик маданиятнинг чинакам масканлари ва партия ташкилотларининг идеология ишидаги таянч пунктлари бўлиб қолишига эришилсин.

Физкультура ва спортни янада ривожлантириш тадбирлари кўрилсин. Оммавий-мудофаа иши яхшилансин, йигит ва қизларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш кучайтирилсин, шавкатли Совет Қуролли Кучларимизга муҳаббат ва ҳурмат туйғулари сингдирилсин, ёшлар Ватан ҳимоясига шай бўлиб туриш руҳида тарбиялансин.

12. Съезд партия комитетлари, Олий ва ўрта махсус таълим, Маориф, Маданият министрликлари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Ҳунар-техника таълими давлат комитети зиммасига олий, умумий ва махсус ўрта ҳунар-техника таълимини янада такомиллаштириш тадбирларини амалга ошириш, республика экономика, фани ва маданиятини ривожлантириш эҳтиёжларига мувофиқ равишда мутахассислар ва малакали ишчи кадрлар тайёрлашни таъминлаш вазифасини юклайди. Таълим-тарбия иши яхшилансин.

13. Съезд ўнинчи беш йилликда экономика ва маданиятни юксалтиришнинг асосий милларидан бири бўлган илм-фанни жадал ривожлантириш зарурлигини таъкидлайди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, Госплани, министрликлари ва идоралари, илмий тадқиқот муассасалари ва илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари илмий кучларни ва воситаларни фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга ёрдам берадиган актуал ва истиқболли назарий проблемаларни ишлаб чиқишга, шунингдек фаннинг моддий-техника ва ишлаб чиқариш базасини мустаҳкамлашга жамлашлари лозим. Илмий тадқиқотларнинг самарадорлиги оширилсин, уларнинг натижалари ишлаб чиқаришга сабот билан жорий этилсин, фаннинг моддий-техника ва ишлаб чиқариш баъзаси мустаҳкамлансин.

14. Партия Марказий Комитетига, область, шаҳар, район партия комитетларига ички ишлар, прокуратура, юстиция ва суд органларига раҳбарликни кучайтириш, уларнинг фаолиятини янада такомиллаштиришга эришиш, социалистик қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботга қаттиқ риоя этилиши учун масъулиятни ошириш, совет қонунларини ҳолига тушунтиришни яхшилаш топширилсин.

15. Партиянинг ҳозирги босқичдаги раҳбарлик роли янада ўсиб бораётганлигига асосланиб, съезд коммунистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида партия раҳбарлигини янада такомиллаштириш, омма орасидаги сиёсий ва ташкилотчилик ишини яхшилаш зарур, деб ҳисоблайди. Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетлари ленинча иш услубини бундан буён ҳам қунт билан эгаллашлари, партия раҳбарлиги самарадорлигини оширишлари, кўпроқ ишчанлик, оперативчилик ва конкретлик кўрсатишлари лозим.

16. Съезд партия комитетлари зиммасига кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларини аввалгидек муттасил ўтказабериш, топширилган иш учун уларнинг масъулиятини бутун чоралар билан ошириш вазифасини юклайди. Марказий Комитет, область, шаҳар ва район партия комитетлари хўжалик ва маданий қурилишнинг ҳамма соҳаларига сиёсий етук, сергайрат, қобилиятли ташкилотчилар, янгиликни сезадиган, замонавий бошқариш методларини, социалистик омилкорлик, одамлар билан ишлаш маҳоратини эгаллаб олган ўз ишининг мутахассислари бошчилик қилишга эришишлари лозим. Хотин-қизларни меҳнат ва ижтимоий-сиёсий турмушнинг ҳамма соҳаларига актив тортишни, уларни меҳр билан вояга етказиб, энг қобилиятлиларини масъул соҳаларга кўтаришни давом эттириш зарур. Кадрларга юксак талабчанлик уларга ишонч ва ҳурмат билан доимо қўшиб олиб борилиши лозим. Кекса кадрларни эҳтиёт қилиш билан бирга ёш умидбахш ходимлар дадил кўтарилаверсин.

Съезд Ўзбекистон Компартиясида раҳбар кадрларни ўқитишнинг таркиб топган системасини ижобий баҳолаб, кадрларни бундан буён ҳам янги тажриба билан, марксизм-ленинизм назарияси соҳасидаги чуқур билимлар билан бойитиш, уларнинг профессионал омилкорлигини ошириш зарур, деб ҳисоблайди.

Партия комитетлари кадрларнинг пухта резервини вужудга келтириш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилишлари, танқид ва ўз-ўзини танқид методидан тўлароқ фойдаланишлари, партия ва давлат интизомини доимо мустаҳкамлашлари керак.

17. Съезд Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига, область, шаҳар ва район партия комитетларига партия қарорларининг ижросини текширишни такомиллаштиравериши, коммунистларнинг танқидий мулоҳазалари ва таклифларини диққат-эътибор билан ҳисобга олишни, бу мулоҳаза ва таклифларнинг амалга оширилиш устидан контролликни кучайтиришни топширади. Бошланғич партия ташкилотлари маъмуриятнинг хўжалик фаолиятини контроль қилиш ҳуқуқидан тўлиқроқ фойдаланишлар. Раҳбарликнинг зарур қуроли, тарбия ва контроль воситаси бўлган ички партия ахборотини яхшилаш муҳимдир.

18. Партия Марказий Комитети, область, шаҳар, район партия комитетлари бошланғич партия ташкилотлари ва партия группаларининг меҳнат коллективларидаги хўжалик вазифаларини ҳал этиш ва меҳнаткашларни тарбиялашдаги ташкилотчилик ролини янада оширишга эришишлар, уларнинг ташкилий структурасини такомиллаштиришлар. Партия йиғилишларини тайёрлаш ва ўтказиш практикасини бундан буён ҳам яхшилаш, уларнинг партия ташкилотлари турмушидаги аҳамиятини кўтариш лозим. Партияга кирувчиларга талабчанликни кучайтириш, КПССга энг илғор ва онгли ишчилар, колхозчиларни, зиёлилар, хотин-қизлар, ёшларни якка тартибда танлаб олиш принципига қаттиқ риоя қилиш, Ўзбекистон Компартиясидаги ишчилар ўзагини мустаҳкамлаш керак. Коллективлардаги, ишлаб чиқариш, фан, маданият ва хизмат соҳасидаги партия таъсирини кучайтиришни иш манфаатлари талаб қилмоқда. Бошланғич, цех партия ташкилотлари секретарлари ҳамда партия группа ташкилотчиларини ўқитиш ва уларга йўл-йўриқ бериб туриш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилинсин. Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик кўриш ва алмаштириш даврида тўпланган ижобий тажрибани мустаҳкамлаш ва кўпайтириш лозим.

19. Съезд совет демократиясини бутун чоралар билан ривожлантириш, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг хўжалик ва маданий қурилиш вазифаларини ҳал этиш учун бўлган масъулиятини ошириш зарур, деб ҳисоблайди. Улар аҳолига социал-маиший, маданий ва коммунал хизмат кўрсатиш масалалари билан, уй-жой, мактаблар, болалар муассасалари, медицина муассасалари қурилиши билан, шаҳарлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш билан кун сайин малакали равишда шуғулланишлар, пассажир транспорти, алоқа, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари, касалхоналар ва поликлиникалар ишини яхшилашга янада сабот билан эришсинлар. Партия ташкилотлари депутатларнинг фаолиятини активлаштиришлари, уларнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини оширишлари, Советларнинг ташаббусини ривожлантиришлари, уларни кадрлар билан мустаҳкамлашлари лозим.

Халқ контроли органлари фаолиятини янада яхшилаш, уларга доимо ёрдам ва мадад бериш, уларнинг ишига энг билимдон ва принципиал активларни жалб этиш зарур.

20. Меҳнаткашларнинг энг оммавий ташкилоти—касаба союзларининг катта имкониятларини ҳисобга олиб, съезд касаба союзлари республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда янада активроқ қатнашишларига, меҳнаткашларни ишлаб чиқариш ва жамоат ишларини бошқаришга тортишлари, социалистик мусобақани ташкил этишни яхшилашлари, ишчи ва хизматчиларни меҳнатга коммунистик муносабат руҳида тарбиялашлари учун бутун чораларни кўриш зарур деб ҳисоблайди. Меҳнатни муҳофаза қилиш, маиший хизматни яхшилаш, меҳнаткашларнинг маданий ва соғлом хордиқ чиқаришини ташкил этиш тўғрисида ғамхўрлик қилиш касаба союзларининг аввалгидек муҳим ишидир.

21. Съезд хўжалик ва сиёсий вазифаларни ҳал этишда республика комсомоллари билан барча ёшларининг ташаббускорлиги ва активлиги, уларнинг фойдали ташаббуслари, зарбдор қурилишларга оталиқ қилишлари кучайганлигини таъкидлаб, партия ташкилотлари зиммасига комсомолга раҳбарликни такомиллаштириш, комсомол кадрларини меҳрибонлик билан ўстириш уларга ўзларининг сиёсий ва ташкилотчилик иши соҳасидаги тажрибасини сингдириш вазифасини юклайди. Комсомол ташкилотлари ёшларни бундан буён ҳам юксак коммунистик ғоявийлик руҳида тарбиялашлари, йигит ва қизларнинг ҳаммаси янги беш йилликда актив меҳнат қилишига эришишлари лозим.

* * *

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг XIX съезди КПСС ленинчи Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросини, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л.И.Брежневни республика партия ташкилоти бундан буён ҳам Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг жанговар, ишончли ва содиқ отряди бўлиб қолаверади, деб ишонтиради. Ташкилотчилик ва сиёсий ишнинг янги тажрибаси билан бойиган Ўзбекистон партия ташкилоти КПСС XXV съезди ўртага қўйдиган ҳамма вазифаларнинг бажарилишини таъминлайди.

Съезд ярим миллионли коммунистлар армияси номидан Ўзбекистон ишчилари, колхозчилари, зиёлилари, барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб ,уларни ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун, ўнинчи беш йиллик халқ хўжалик планларини муваффақиятли бажариш учун бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилишга, кўп миллатли, улуғ социалистик Ватанимизни янада равнақ топтириш йўлида илҳом билан фидокорона меҳнат қилишга чақиради!

ИТТИФОҚДОШ РЕСПУБЛИКАЛАР КОМПАРТИЯЛАРИНИНГ СЪЕЗДЛАРИДА

ОЛМАОТА, 7 февраль. (ТАСС). Қозоғистон Компартиясининг XIV съезди кеча ўз ишини тамомлади. Делегатлар Қозоғистон коммунистлари ва барча меҳнаткашларининг хоҳиш-иродасини ифодалаб КПССнинг ташқи ва ички сиёсатини яқдиллик билан маъқулладилар, партия Марказий Комитети, унинг Сиёсий бюроси, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг кўп қиррали ва самарали фаолиятига юксак баҳо бердилар. Делегатларнинг нутқлари кўриб чиқилаётган масалаларга ишчанлик, талабчанлик ва ўз-ўзини танқид асосида ёндашиш билан ажралиб турди. Республика партия ташкилотларининг ташкилотчилик ва идеология ишини янада такомиллаштириш тадбирлари белгиланди.

КПСС Марказий Комитетининг партия XXV съездига лойиҳаси тўғрисидаги доклад зўр қизиқиш билан муҳокама қилинди. Қозоғистон ССР Министрлар Советининг Раиси Б. А. Ашимов шу ҳақда доклад қилди. Делегатлар республика олдида турган катта вазифаларни муваффақиятли равишда амалга оширишга қаратилган кўпгина конкрет таклифларни киритдилар. Ўнинчи беш йилликда рангли ва қора металлургия, машинасозлик, кўмир ,нефть, химия, озиқ-овқат ва енгил саноат янада ривож топади.

Республика коммунистлари, барча меҳнаткашлари, деб таъкидлашди делегатлар, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг социалистик мусобақани авж олдириш тўғрисидаги қарорига жавобан ўз зиммаларига янги оширилган мажбуриятлар олмоқдалар.

Съезд Қозоғистон Компартиясининг раҳбар органларини сайлади.

Қозоғистон Марказий Комитетининг пленумида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Д. А. Кунаев республика Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

* * *

МИНСК, 7 февраль. (ТАСС). Кеча Белоруссия Компартияси XXVIII съездининг делегатлари республика партия ташкилотининг ҳисобот давридаги ишини, партия XXIV съезди қарорларининг бажарилишини ишчанлик, ўз-ўзини танқид асосида таҳлил қилдилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг «1976 — 1980 йилларда СССР халқ хўжалиги ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида партия XXV съездига лойиҳаси ҳақидаги докладни ҳам қизғин муҳокама қилдилар. Белоруссия ССР Министрлар Советининг Раиси Т. Я. Киселев шу ҳақда доклад қилди.

Ўнинчи беш йилликда Белоруссия олдида кенг истиқболлар очилаётганлиги съездда таъкидлаб ўтилди.

Съезд қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1975 йил декабрь Пленумининг қарорлари асосида ижтимоий ишлаб чиқаришни янада интенсивлаштириш йўлларини белгилаб, асосий эътиборни ҳал қилинмаган вазифаларга қаратдилар. Нотиқларнинг нутқларида ташкилий-партиявий иш, кадрларни ғоявий тарбиялаш савиясини янада ошириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Делегатлар КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини яқдиллик билан маъқуллаб Белоруссия коммунистлари, барча меҳнаткашлари ўзларининг бутун кучларини бундан буён ҳам коммунистик жамият қурилишига, халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга бағишлайдилар, деб КПСС ленинчи Марказий Комитетини, унинг Сиёсий бюросини, шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневни ишонтирдилар.

Белоруссия Компартиясининг раҳбар органлари сайланди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат П. М. Машеров Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари этиб сайланди.

ШАХДАМ ОДИМ

Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг хабар беришича, республика саноати маҳсулотни реализация қилиш юзасидан 1976 йил январь ойи планини 103,8 процент, меҳнат унумдорлиги планини эса 101,8 процент бажарди.

Саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан 4,7 процент кўпайди, меҳнат унумдорлиги 2,1 процент ошди.

Қорақалпоғистон АССР, республиканинг ҳамма областлари ва Тошкент шаҳри саноат маҳсулотини реализация қилиш 1976 йил январь ойи планини бажардилар.

Қорақалпоғистон АССРда, республика областларида планнинг бажарилиши ва саноат ишлаб чиқаришини ўстириш суръатлари қуйидагича бўлди (биринчи ступ — январь ойида маҳсулотни реализация қилиш планининг бажарилиш процанти, иккинчи ступ — январь ойи ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот 1975 йилнинг шу даврдагига нисбатан процент ҳисобида, учинчи ступ — пландан ташқари реализация қилинган маҳсулот йиллик мажбуриятга нисбатан процент ҳисобида):

Ўзбекистон ССР шу жумладан:	103,8	104,7	7,3
Қорақалпоғистон АССР	108,3	115,8	9,5
Андижон области	105,8	101,8	7,0
Бухоро области	108,0	94,6	24,5
Жиззах области	104,9	114,0	7,5
Қашқадарё области	103,1	101,1	4,6
Наманган области	105,1	106,4	6,3
Самарқанд области	104,5	104,0	8,4
Сурхондарё области	107,5	101,1	12,3
Сирдарё области	107,6	106,3	7,5
Тошкент области (Тошкент шаҳрини ҳам қўшган ҳолда)	103,2	106,0	6,3
Фарғона области	101,8	106,8	3,7
Хоразм области	103,9	102,1	5,8

Шу билан бирга айрим корхоналар планларни уддалай олмадилар. Булар орасида Фарғона сунъий чарм комбинати, Қувасой шиша идиш заводи, Олтиариқ нефтни қайта ишлаш заводи, Урганч вино заводи ва бошқа корхоналар бор.

Партия, совет, хўжалик ташкилотлари баъзи корхоналарнинг орқада қолиш сабабларини чуқур текшириб кўришлари, меҳнат унумдорлигини ошириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш, машиналар, ускуналар ва иш вақтидан яхшироқ фойдаланиш, тежамкорлик режимини кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор беришлари лозим. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ самарали ишлаш ҳамда планларни, КПСС XXV съезди шарафига ва 1976 йил учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун барча меҳнат коллективларига қулай шарт-шароитлар яратиб бериш зарур.

(УзТАГ).

АҲОЛИГА ҚУЛАЙ УЙ-ЖОЙЛАР

Республикамиз қурилиш индустрияси янги-янги имкониятлардан фойдаланган ҳолда шаҳар ва қишлоқларда қурилиш суръатини ошириш ишига катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбекитондаги барча ўнта уйсозлик комбинатлари яқиндан бошлаб янги хилдаги уйларни ишлаб чиқаришга киришди.

Янги уйлар Ўрта Осиёнинг ўзига хос иқлимини ҳисобга олиб ишланган. Бундан ташқари, уларда хоналарнинг шипи анча баландлаштирилган, ошхонанинг ҳамда айвонларнинг ҳажми кенгайтирилган. Яна шу нарса қулайки, блок секцияларини турли хилда ва ҳажмда монтаж қилиш мумкин.

«Узградострой» коллективи ўнинчи беш йиллик даврида ишчилар сонини кўпайтирмасдан туриб, аҳолига 30 минг квартира етказиб беришга аҳд қилишган.

«СОВЕТСКАЯ ЖЕНЩИНА» ЖУРНАЛИНИНГ ЮБИЛЕЙИ

Москва жамоатчилиги «Советская женщина» журналининг 30 йиллигини 5 февраль куни тантанали суратда нишонлади. Совет хотин-қизлари комитети ва ВЦСПС органи бўлган бу журнал 12 тилда нашр этилиб, 140 дан кўп мамлакатда ўз журналхонларига эга.

Журнал коллективи совет ва чет эл ташкилотларидан жуда кўп табрикномалар олди. Халқаро демократик хотин-қизлар федерацияси журнални Эжени Коттон номидаги медаль билан, Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитети эса «Тинчлик учун курашчи» медали билан мукофотлади. Мухтор министр, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчихона маслаҳатчиси Б . Шукла Жавоҳарлаъл Неру номидаги олтин медални топширди. «Советская женщина» журнали Совет—Ҳиндистон дўстлигини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун шу юксак мукофотга сазовор бўлди. (ТАСС).

СИОНИЗМ—ХАЛҚЛАР ДУШМАНИ

ЖУРНАЛИСТЛАР МАРКАЗИЙ УЙИДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

6 февраль куни Москвада «Новости» матбуот агентлиги ва СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот бўлими томонидан ташкил этилган матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Совет ва чет эл журналистлари Исроилдан қайтиб келган яҳудий миллатига мансуб совет гражданлари билан учрашдилар.

Маълумки, Ғарбдаги муайян доиралар СССРда «яҳудийлар масаласи» деб аталган уйдирма масала ёрдамида зўр бериб антисоветизмни кучайтирмоқдалар. Бизнинг мамлакатимизда бундай масала йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Тўхматдан иборат бу кампания яҳудий миллатига мансуб совет гражданларигагина эмас, балки бутун совет халқига қарши қаратилган кампаниядир. В. Кувент, И. Фузайлов, Б. Бравштейн ва бошқалар журналистлар ҳузурида сўзлаган нутқларида буни таъкидлаб ўтдилар.

Нальчик шаҳрида яшовчи В. Кувент бундай деди:

— Мен Совет Иттифоқига қайтиб келдим, чунки сионистлар мени ўз жиноятларига шерик қилишга уриндилар. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти босиб олинган территорияларни бўшатиб беришни Исроилдан талаб қилди. БМТ ўз резолюциясида сионизмни иркчилик ва ирқий камситишнинг бир формаси сифатида қатъий коралади. Мен шахсан шу қарорларнинг ғоят ҳаққоний эканлигига амин бўлдим. Исроил иркчилик давлатидир ва биз, Совет Иттифоқидаги яҳудийларнинг у ерда қиладиган ишимиз йўқ.

Мен ўз нутқимда БМТнинг мазкур резолюциясида аниқ таърифлаб берилган сионизм тўғрисидаги ҳақиқат гапларни айтмоқчиман. Мен оилам билан бирга икки йилча Исроилда истиқомат қилдим, деди киевлик инженер Б. Бравштейн. Ҳар иккаламиз ишлаб турдик, яхши уйимиз бор эди ва Исроилда қабул қилинган мезонларга кўра ўртачадан юқорироқ даражада яшаб келдик.

Мен Исроилда сионистлар идеологиясининг амалда нимадан иборат эканлигини ўз кўзим билан кўрдим, деди сўзини давом эттириб у. Мен турли мамлакатлардан келган кишилар ўртасидаги ашаддий антагонизмни, ирқий асосдаги антагонизмни, диний, социал негиздаги антагонизмни кўрдим. Сионистлар бир мамлакатдан келган кишиларни иккинчи мамлакатдан келган кишиларга қарши, маҳаллий аҳолини янги келган кишиларга қарши гиж-гижлатиб, ҳақиқатда Исроилнинг аҳолисини асоратга солдилар. Исроилнинг қўшни мамлакатлар билан чегараларидагина эмас, ҳатто Исроилнинг ўз ичида ҳам осойишталик йўқлигига амин бўлдик. Ҳозирги вақтда Исроилдан бошқа бирон жойда яҳудийлар проблемаси деган проблема йўқ.

Халқаро ташкилотга айланган сионизм фақат социалистик давлатларнинг эмас, балки шунингдек Ғарбдаги кўп мамлакатларнинг ҳам ички ишларига аралашмоқда. У энг қабиҳ реакциячилар билан оғиз-бурун ўпишмоқда. Сионистлар билан фашистлар мафкуравий жиҳатдан бир-бирларига ўхшайдилар: сионистлар ҳам, фашистлар ҳам иркчилардир. Иудаизм, сионизм ва фашизм планетамиздаги тараққиётнинг, тинчлик ва осойишталикнинг бирлашиб олган душманларидир.

Сионистлар Ғарбда СССРдаги қандайдир яҳудийлар масаласи тўғрисида жар солмоқдалар, ҳолбуки бу масала Исроилнинг ўзида мавжуддир, деб уқтириб ўтди Крайс ва унинг рафиқаси. Уларнинг бири шофёр ва иккинчиси медицина ҳамшираси бўлиб, илгаригидек ҳозир ҳам Черновцида истиқомат қилмоқдалар. Бизлар Исроилга кўчиб кетган кўп кишилар билан ёзишиб турибмиз. Улар Ватанларига қайтиб келишни орзиқиб кўтмоқдалар. Масалан, илгари Молдавияда истиқомат қилган Волох оиласи ўзининг ҳозирги оғир қисмати учун йиғлайверириб кўз ёшим қуриди, деб ёзади. Минг-минглаб оилалар Исроилдан қочиб қутилишни истайди. Қочиб чиқиш эса жуда қийин. Ҳар бир эмигрантнинг қарз дафтарчаси бор ва уларнинг ҳар бири қарздор бўлиб қолган. Бундан ташқари 60 ёшгача бўлган ҳар бир эркак Исроилнинг қонунларига мувофиқ ҳарбий мажбуриятдаги киши бўлиб, маҳаллий маъмурларнинг рухсатисиз мамлакатдан чиқиб кетолмайди.

СССРдан келган кишиларни Исроилда иккинчи сорт гражданлар деб ҳисоблайдилар. Бу кишиларнинг кўпи соф яҳудий бўлмаган кишилар қаторида раввинат ҳамда ички ишлар министрлигининг қора рўйхатига умрбод ёзиб қўйилган. Уларнинг бутун авлоди ҳамиша хўрланади.

Крайс ва унинг рафиқаси Совет Иттифоқидан борган яҳудийлар Исроилда яшовчи яҳудийларга сира ўхшамаслигини таъкидлаб ўтди. Бизларнинг тилимиз бошқача, фикризикримиз бошқача, ҳаёт тарзимиз бошқачадир. СССРда истиқомат қилувчи яҳудий миллатига мансуб гражданлар янги тарихий бирлик — совет халқининг аъзоларидир. Улар сионистлар ўйлаб чиқарган «жаҳон яҳудий миллати»га мансуб кишилар эмас.

Мен Исроил Компартиясининг империализм билан бирга ликда арабларга қарши эмас, балки империализмга қарши араблар билан бирга бўлайлик, деган чақирғини табриклайман, деди ўз нутқида И. Зельцер. Бундан уч йил муқаддам мен СССРга қайтиб келдим, деди у, кўп кишилар ҳозирги вақтда менинг оилам қандай яшаяпти ва унга муносабат қандай, деб савол бермоқдалар. Мен уларга ҳаммаси яхши, деб жавоб бераман. Мени ташвишга солаётган бирдан-бир нарса — ўз ҳаётини бузиб Совет Иттифоқидан жўнаб кетаётган кишиларнинг тақдиридир. Чунки сионистлар шафқатсизларча кишиларнинг тақдири билан ўйнамоқдалар.

Ҳозир Москвада ишлаётган И. Каплан мен Исроилда мудҳиш фожиаларни бошимдан кечирдим, деди. Менинг рафикам ўша ерда зор-зор йиғлаб, оғир ҳаётдан тўйиб ўзини ўзи ўлдирди. Бизлар Исроилда ўз ихтисосимизга қараб эмас, балки қора ишчи бўлиб ишладик, кунимиз зўрға ўтар эди. Мен Москва тупроғини кўзимга суртиш учун бутун Европани пиёда ўтишга ҳам тайёр эдим. Исроил сионистлари ҳар гал мен Исроилдан чиқиб кетишни истаганимда турли йўллар билан қаршилик кўрсатдилар. Мени пойлаб юрдилар, қўркитдилар, қоладиган бўлсам чой-чақа берадиган бўлдилар. Аммо мен қочиб кетдим ва Совет Иттифоқига келдим. Менинг ҳақиқий Ватанимга қайтиб келиш имконияти берилганлиги учун Коммунистик партия билан Совет ҳукуматидан чексиз миннатдорман.

Сўзга чиққан кишилар мухбирларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

(ТАСС).

БИРДАМЛИК НАМОЙИШИ

НАНТЕРДА ОММАВИЙ МИТИНГ

ПАРИЖ, 6 февраль. (ТАСС). Бугун кечқурун Юқори Сена департаментининг маъмурий маркази Нантерда оммавий халқаро бирдамлик митинги бўлди. Меҳнаткашлар Франция Коммунистик партиясининг XXII съездида қатнашган бир қанча қардош коммунистик ва ишчи партиялар делегациялари билан учрашмоқ учун Нантер съездлар саройининг катта залига тўпланишди. Франция Коммунистик партияси Марказий Комитети аъзолигига кандидат, шу департаментдаги партия федерациясининг секретари П. Сотюра митингни очди.

Митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясини, Колумбия, Ливан, Эрон, Люксембург, Норвегия қардош партияларининг делегацияларини, Гвинея ва Яшил бурун ороллари мустақиллиги Африка партияси, мустақиллик учун курашувчи Африка халқ иттифоқи (Жибути) вакилларини самимий табриклашдилар.

Митингда давомли қарсаклар билан кутиб олинган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегациясининг бошлиғи, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко нутқ сўзлади.

Ўртоқ А. П. КИРИЛЕНКО нутқи

Азиз ўртоқлар!

Франция Коммунистик партиясининг XXII съезди муносабати билан уюштирилган халқаро бирдамлик митинги шонли кунда — 6 февралда ўтказилмоқда. 1934 йилнинг шу кунида мамлакатингизнинг меҳнаткашлари Франция Коммунистик партиясининг раҳбарлигида фашистлар исёнига қатъий зарба бердилар, халқ фронтининг ғалабасига асос қўйдилар. Халқ фронти ўша давр шароитларида фашизмга ва уруш хавфига қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашнинг янги формаси бўлди. Партия ветеранлари бугун съездни табриклаб, шуларни эслатиб ўтдилар.

Сизларга ва сизлар орқали Франция коммунистларига ва барча меҳнаткашларига совет коммунистларининг, партиямиз Марказий Комитетининг қардошларча самимий саломини топширишга ижозат бергайсиз. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев сизларга ўз саломини ва энг яхши истакларини билдириб, мамлакатингизга қилган визитлари вақтида Франция Коммунистик партиясининг раҳбарлари билан ва француз халқи билан учрашганлигини мамнуният билан эсда сақлаётганлигини маълум қилишни сўради.

Мен роса олти йил муқаддам партиянгизнинг XIX съезди минбарида туриб нутқ сўзлаш имкониятига эга бўлган эдим. Ўша йили халқаро ишчилар синфининг йўлбошчиси В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги ва Франция Коммунистик партияси ташкил этилган кунинг 50 йиллиги нишонланган эди. Ўша вақтда ана шу икки сана «Франция Компартияси 50 йилдан буён ленинизмга содиқ» деган ажойиб шиорда мужассамлашди. Съезд ана шу шиор остида ўтган эди.

Биз, ФКП XXII съездида қатнашаётган КПСС вакиллари съезд делегатлари ва сизлар, Нантер коммунистлари бизни самимий кутиб олганлигингиздан астойдил хурсандмиз. Бу ерда, Нантерда ўзининг революцион анъаналари билан шуҳрат қозонган катта ва жиплашган партия ташкилоти борлигини биламиз. Биз съездингиздан олган дастлабки таассуротларимизни баҳам кўришни ва ҳозирги кунда совет халқи қандай ҳаёт кечираётганлиги тўғрисида гапириб беришни истаймиз.

Сизларга маълумки, тез орада, шу ойнинг охирида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXV съезди ўз ишини бошлайди. Бу съезд совет социалистик жамиятини ривожлантиришнинг асосий масалаларига бағишланади. Съездда тўққизинчи беш йилликдё (1971—1975 йиллар) қилинган ишлар якунлаштирилади ҳамда келгусида ички ва ташқи сиёсат соҳасидаги вазифалар белгиланади.

Беш йилликларимизнинг ҳар бирида эришилган ютуқлар ўша даврнинг ўзидагина қилинган бунёдкорлик меҳнатининг натижаси эмаслиги тамомила тушунарли бир ҳолдир. Бу — 1917 йил Октябридан кейин мамлакат босиб ўтган бутун йўлнинг жамланган якунидир.

Бизнинг халқимиз, унинг ёш авлоди Октябрь революцияси Коммунистик партия раҳбарлигида ғалаба қилмаганида, империалистик интервенциячилар ва ички контрреволюция кучлари тормор этилмаганида, биринчи беш йилликлардаги қаҳрамонона ишлар бажарилмаганида, шу вақтгача қўлга киритган ютуқларга эришиш мумкин эмаслигини жуда яхши англайди. Фашизм устидан қозонилган ғалаба тарихда қандай буюк роль ўйнаганлигини эсдан чиқариш мумкинми ахир! Бутун жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилиги ўтган йили ана шу ғалабанинг 30 йиллигини нишонлади.

Советлар мамлакати босиб ўтган йўл — оғир шароитда ўтган жанглар йўли ва сўнмас ижодий жасорат йўлидир. Ўртоқлар, совет кишилари Ленин партиясининг ишига чексиз содиқ эканлиги, унинг сиёсатини астойдил қабул қилиб, қўллаб-қувватлаётганлиги, партиянинг чақириқларига самимий, иш билан жавоб бераётганлигининг боисини тушуниб олган бўлсангиз керак.

Социализм ғалабаларини ғоят ардоқлаётганлигимиз, социализмнинг ҳамма душманларига қатъий зарба бераётганлигимизнинг боиси ҳам сизларга тушунарли бўлса керак. Чин дўстларимизга, бизнинг фикримизни тушунган, оғир синов йилларида ҳам, ғалабанинг қувончли кунларида ҳам биз билан бирдам бўлган дўстларга қардошларча муносабатда бўлаётганимиз ҳам сизларга маълум бўлса керак.

Мамлакат КПССнинг XXV съездини жуда катта муваффақиятлар билан кутиб олмоқда. Биз тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли туғаллаб, коммунизм сари олга қараб янги муҳим қадам қўйдик. Мен бу ерда конкрет маълумотларни келтириб ўтирмайман. Булар тўғрисида «Юманите» газетасида хабар берилган эди.

Совет халқи экономикада, меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтириш, фан ва маданиятни ривожлантириш соҳасида эришган муваффақиятларнинг миқёслари шу қадар каттаки, улар тўғрисида индамай ўтиш мумкин эмас. Бизга нисбатан душманлик йўлини тутган кишилар ҳам совет экономикасининг тушкунлик ва танглик нималигини билмай, юксак ва барқарор суръатлар билан ривожланаётганлигини тан олишга мажбур бўлмоқдалар.

Бизнинг мамлакатимизда — мен буни алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдим— заводларда ва далаларда қилинаётган ишлар, илмий институтлар ва лабораторияларда ишлаб чиқилаётган тадбирларнинг ҳаммаси халқнинг ва ҳар бир граждан-нинг бахт-саодатини кўзда тутади. Бизда халқ хўжалигини ривожлантириш каби турмуш даражасини ўстириш ҳам планли равишда ва оғишмай олиб борилмоқда.

Ўтган беш йилликда иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар анча кўпайди. Бунинг натижасида аҳоли жон бошига тўғри келаётган реал даромадлар қарийб тўртдан бир қисм миқдорида ортди. 50 миллион киши янги шинам квартираларга кўчиб кирди. Энг муҳими шундан иборатки, ўз мамлакатининг эгаси бўлмиш совет кишиси истиқболга комил ишонч билан қарайди, бундан кейинги йиллар ривожланган социалистик жамиятда ҳаётнинг янги қувончларини бахш этажагини билади.

Совет Иттифоқида ишсизлик тугатилганлигига 40 йилдан зиёд вақт ўтганлиги тўғрисида, неча ўн йилларидан буён энг муҳим истеъмол маҳсулотлари нархлари, квартира ҳақи, транспортда қатнаш ҳақи ва шу сингарилларнинг нархлари бир хил даражада қолаётганлиги ҳақида ҳатто душманларимиз ҳам ёзишга мажбур бўлдилар, ваҳолонки ҳозирги вақтда тараққий этган капиталистик мамлакатларда 17 миллиондан зиёд ишсиз бор. Бу мамлакатларда кейинги тўрт йил мобайнидагина озиқ-овқат маҳсулотларининг нархи 40-60 процент ва ҳатто 100 процент ошди. 1975 йилда ҳам Ғарб мамлакатларида забастовка ҳаракати янада кучайиб кетганлиги тасодифий бир ҳол эмас.

Ўртоқлар! Совет халқи жуда кўп иш қилди, аммо партиямиз ўнинчи беш йилликда олдимизга қўяётган вазифалар аввалги даврларнинг ҳар бирига нисбатан анча юксак, миқёслари ҳам каттадир.

Ҳозирги вақтда бизнинг мамлакатимизда КПСС Марказий Комитетининг «1976—1980 йилларда СССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари» тўғрисида КПСС XXV съездига лойиҳаси бутун халқ ўртасида муҳокама қилинмоқда. Газеталаримиздан ҳар бирининг, журналларимиздан ҳар бирининг саҳифаларини очиб кўринг (бизда ана шу газета ва журналлар неча ўнлаб тилларда минг-минглаб нашр этилади), меҳнаткашларнинг шу ҳужжатга бағишланган мақола ва хатларини кўра оласиз. Лойиҳа партия конференцияларида, меҳнат коллективларида ва касаба союз ташкилотларининг йиғилишларида муҳокама қилинмоқда.

Ишчилар, колхозчилар, хизматчилар, олимлар, инженерлар, техниклар бу ҳужжатни якдил маъқуллаш билан бирга ўз мулоҳазаларини айтмоқдалар ва кўпгина қимматли таклифлар киритмоқдалар. Совет демократиясининг моҳияти худди шу нарсада яққол намоён бўлмоқда. Совет демократияси шароитида ҳар бир меҳнаткаш халқ ҳаётининг янги беш йилликни ишлаб чиқиш каби ғоят муҳим проблемаларини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлиб, бу ҳуқуқдан актив фойдаланади.

Партиянинг халқ фаровонлигини тўхтовсиз юксалтиришга, совет кишиларининг турмуш ва меҳнат шароитларини яхшилашга, шахсий камол топдириш учун тағин ҳам қулай имкониятларни вужудга келтиришга қаратилган йўли КПСС Марказий Комитетининг ана шу лойиҳасида ўзининг конкрет ифодасини топди. Биз бундан буён ҳам ана шу йўлни амалга оширамиз, социализмнинг моҳиятини ифода этган — «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун!» деган шиорга амал қилаверамиз.

Бизнинг партиямиз социалистик демократияни янада ривожлантириш йўлини изчиллик билан ўтказиб келмоқда. Кейинги йилларда Советларнинг функциялари анча кенгайди, меҳнаткашлар депутатларининг роли ва обрў-эътибори ошди. Меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнаштириш системаси, шунингдек халқ контролининг сайлаб қўйиладиган органлари кенг системаси янада ривожланди ва муваффақиятли суратда ишлаб турибди. Касаба союзларининг аҳамияти ўсди. Касаба союзлари қонун чиқариш соҳасида ташаббус кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлиб, ишлаб чиқариш, меҳнат ва иш ҳақи, қисқаси страхованиени планлаштириш ва ташкил этиш масалаларини ҳал қилишда қатнашмоқдалар, меҳнат ҳақидаги қонунларга, хавфсизлик техникаси қоидаларига қандай риоя қилинаётганлигини назорат қилиб турибдилар.

Совет демократияси оммасининг ижодий ғайрат-шижоати учун кенг йўл очиб бериб, халқнинг жиплигини таъминлаш билан социалистик тузумни мустаҳкамлашга, давлатимизни қучайтиришга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида, тинчлик учун, империализмга қарши курашда Совет Иттифоқининг позицияларини мустаҳкамлаш имкониятини туғдиради. Бунинг натижасида бошқа мамлакатларнинг меҳнаткашлар оммасига, ўзининг порлоқ келажаги учун курашаётган барча халқларга қудратли мадад берилаяпти.

Азиз ўртоқлар! Совет Иттифоқининг ташқи сиёсати сизларга яхши маълум. Ҳозирги кунда «Тинчлик программаси» сўзларини ер юзининг ҳамма қисмида яхши билишади. КПССнинг XXIV съезди бу программанинг илгари сурганидэ мамлакатимизнинггина манфаатларини эмас, барча мамлакатлар халқларининг ҳам манфаатларини эътиборга олди. Биз бутун дунёда мустаҳкам тинчлик ўрнатилган тақдирдагина мамлакатимизнинг хавфсизлиги, фаровонлиги ва тараққиётини тўла-тўкис таъминлаш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Тинчлик программасида мужассамлаштирилган мақсадларни социализм мамлакатлари, коммунистик ва ишчилар ҳаракати, барча тинчликсевар кучларнинг бирганликда куч-ғайрат сарфлаб амалга ошириш йўлидаги курашда катта натижаларга эришилди.

Бу натижаларнинг энг муҳими шуки, янги жаҳон уруши хавфи орқага сурилди. Вьетнам халқи ажойиб ғалабага эришди. Бутун Жанубий-шарқий Осиёда уруш ўчоқлари тугатилди. Хельсинкида ўтказилган Умумевропа кенгаши қитъамиздаги халқларнинг мустаҳкам хавфсизлигини таъминлаш йўлида катта қадам бўлди. Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги муносабатларнинг ривожланиши Европа қитъасида рўй берган ижобий ўзгаришларда катта роль ўйнайди.

Қуролланиш пойгасини амалий равишда жиловлаб қўйишга қаратилган дастлабки битимларнинг тузилганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. Москвада яқинда олиб борилган Совет — Америка музокаралари шу мақсадга эришиш йўлида бундан буён ҳаракат қилиб бориш истиқболларини яхшилайди.

Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети шу мақсадга эришиш учун зўр ғайрат билан курашиб келди. Совет кишилари партиянинг, шахсан Леонид Ильич Брежневнинг фаолияти халқаро сиёсатнинг туб масалаларини ҳал этишда социализм манфаатларини муросасиз ҳимоя қилишга қаратилган синфий интернационал йўлни тутганлиги учун уларнинг бу фаолиятига юксак баҳо бермоқдалар.

Жаҳоннинг тараққийпарвар жамоатчилиги Жаҳон Тинчлик Кенгашининг ўртоқ Л. И. Брежневни Олтин медаль билан мукофотлаш тўғрисидаги қарорини маъқуллади. Бу медаль сизнинг ватандошингиз, атоқли олим, тинчлик учун мард курашчи, коммунист Фредерик Жолио-Кюри номи билан аталади. Ана шу мукофот берилиши билан тинчлик тарафдорларининг, халқларнинг мустаҳкам хавфсизлиги учун, уларнинг мустақил ривожланиши ва социал-тараққиёти учун фидокорона кураш олиб боришга тайёр турган барча кишиларнинг жипслиги ва активлиги муҳим эканлиги яна бир бор таъкидлаб ўтилади.

Тинчликни мустаҳкамлаш учун кураш ҳозирги кунда ҳам кечаги кунга нисбатан янада актуал ва муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Империализмнинг табиати ўзгармаганлигини ҳаммамиз биламиз. Реакция ва агрессия кучлари кескинликни юмшатиш жараёнига путур етказишни, халқаро муносабатларнинг ривожини орқага, «совуқ уруш» томон буриб юборишни истайдилар.

Умумевропа кенгашидан кейин ва хусусан ҳозирги пайтда, партиямиз съезди арафасида кескинликни юмшатиш муҳолифлари анча активлашиб қолишди. Улар Совет Иттифоқи томонидан изчиллик билан ўтказиб келинаётган ташқи сиёсатнинг, тинчлик ва кескинликни юмшатиш сиёсатининг обрўсини, Совет Иттифоқи Хельсинкида тузилган аҳдномалар ва битимларни амалга ошириш учун олиб бораётган курашнинг обрўсини тўкишга интилмоқдалар.

Шу билан бирга Ғарбнинг кўп мамлакатларида социалистик мамлакатлардаги «инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш» борасида катта шовқин-сурон кўтарилди. Бу кампаниянинг заминида нима ётганлиги сир эмас. Бундай воқеликни ва социализм идеалларини бузиб талқин қилиш, тараққийпарвар кучлар safiga инфоқ солиш, капитал мамлакатлардаги меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлигини ниқоблаш, кенг оммаларнинг эътиборини озодлик ва демократиянинг туб проблемаларидан четга тортиш учун яна бир марта уриниб кўрмоқдалар.

Меҳнаткашларнинг эксплуатация ва жабр-зулмдан халос бўлишини таъминлаш — туб проблемадир. Одамни одам эксплуатация қилаётган жойда, бу эксплуатация қандай шаклда амалга оширилишидан қатъий назар, чинакам демократия йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас, чинакам эркинлик йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Ҳар қандай расмий процедуралар ёки қоидалар билан бу фактни яшириб бўлмайди.

Эксплуатациядан халос бўлишгина инсоннинг меҳнат қилиш ҳуқуқи, бепул медицина ёрдами олиш ҳуқуқи, ҳар томонлама, шу жумладан олий маълумот олиш, социал таъминот ҳуқуқи, фабрика ва заводларнинг, колхозлар ва ўқув юртларининг, шаҳарлар ва республикаларнинг ишларини, бутун мамлакат ишларини бошқаришда меҳнаткашларнинг реал қатнашиш ҳуқуқи каби асосий ҳуқуқларининг мустаҳкам гаровндир.

Совет давлатининг қонунлари шахснинг сўз, матбуот эркинлиги, йиғилиш ўтказиш эркинлиги, виждон ва эътиқод эркинлиги, шахснинг ва уй-жойнинг дахлсизлиги каби ҳуқуқларини ҳам аниқ белгилайди ва мустаҳкам суратда гарантиялайди. Совет гражданлари ана шу ҳамма ҳуқуқ ва эркинликлар билан тўлатўкис таъминланган. Реал совет воқелиги ана шундай.

Дуруст, бизда баъзи «эркинликлар» йўқ, гап шундаки, бизнинг мамлакатимизда масалан, урушни ҳар қандай шаклда пропаганда этишни тақиқловчи қонунга амал қилинади. Совет давлати, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг давлати халқлар ўртасида адоват солиш, иркчилик, жабр-зулм ва ахлоқсизлик пропагандасига ҳам, бу пропаганда қандай шаклда бўрканишига қарамай, йўл қўймайди.

Совет халқининг хоҳиш — иродаси социалистик давлатимизнинг қонунларида ҳам ўз ифодасини топди. Совет халқи социалистик жамиятга ва мамлакатнинг хавфсизлигига зарар етказадиган кишиларга, ўзларининг реакцион максадларига эришмоқ учун кўпорувчи империалистик марказлар билан ва чет эллардаги контрреволюцион ташкилотлар билан бевосита алоқа боғлашдан қайтмайдиган кишиларга ҳаракат эркинлиги берилишига қатъиян қаршидир.

Совет кишилари социализм ғалабаларини ҳимоя қилар экан, ўз мамлакатининг тақдири учун тарихий масъулиятни англашни асос қилиб оладилар ва бу нарса ўзларининг ватанпарварлик ҳамда интернационал бурчи эканлигини биладилар.

Октябрь революцияси ғалаба қилганидан кейин партиямизга, Совет давлатига ғаразли тухмат қилинмаган бирор кун ҳам бўлмаганлигини эслатиб ўтаман. Хўш, оқибат нима бўлди? Илгари ҳаракат қилган кўп сонли ва турли-туман антисоветчиларнинг кўпчилиги тарих ахлатхонасидан жой олди.

Ленин партияси раҳбарлигидаги Советлар мамлакатимиз эса қарийб 60 йилдирки ғолибона олга бормоқда, социал-сиёсий, иқтисодий, илмий ва маданий тараққиётнинг тобора баланд марраларига кўтарилмоқда.

Бизнинг партиямиз, бизнинг халқимиз бучдан буён ҳам коммунизм қураверади ва тинчлик йўлидаги юришни давом эттираверади. Биз сиздар билан биргаликда бундан буён ҳам Европада тинчликни мустаҳкамлаш учун, Хельсинкида қабул қилинган Якунловчи актнинг барча қоидаларини амалга ошириш учун курашаверамиз. Биз сизлар билан биргаликда Яқин Шарқ проблемасини ҳаққоний ҳал этиш учун ҳаракат қилаверамиз. Биз бундан буён ҳам қуролланиш пойгасини тўхтатиш учун курашаверамиз.

Бу ерда социал ва миллий озодлик учун кураш энг муҳим вазифа бўлиб қолган мамлакатлардан келган ўртоқлардан бир неча киши сўзга чиқди. Улар изҳор қилган орзу тилаклар бизга яқин ва тушунарлидир. Улуғ Ленин васиятларига содиқ бўлган совет халқи амалда интернационализмни намоён қилмоқда, миллий мустақиллик учун курашаётган халқлар билан доим бирдам бўлиб, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

Биз бундан буён ҳам Чили, Анголa, Испания халқлари билан — озодлик учун, реакцияга, фашизмга ва янги мустамлакачиликка қарши курашаётган барча халқлар билан бирдамликни мустаҳкамлайберамиз. Биз Португалиядаги барча тараққийпарвар, революцион ва демократик кучларнинг жиплашувина табриклаймиз ҳамда бу мамлакатнинг ишларига аралашув йўлидаги ҳар қандай уринишларни қоралаймиз.

Тинчлик, социал тараққиёт кучлари пиравард натижада ғалаба қозонишларига шак-шубҳа йўқ.

Ўртоқлар! Биз Франция Коммунистик партияси Бош секретари Ўрток Жорж Маршенинг ФКП XXII съездида қилган докладини зўр эътибор билан тингладик. Биз съездда кизиб кетган мунозарани иштиёқ билан кузатиб турибмиз.

Съездда партия сафларининг ўсиши ҳақида, партиянинг Франциядаги кенг омма билан алоқалари мустаҳкамлаганлиги ҳақида, унинг халқ манфаатлари учун, монополияларнинг ҳозирги танглик оқибатларини меҳнаткашлар зиммасига юклаш, сўл, демократик кучлар сафини бузиш йўлидаги уринишларига қарши актив кураш олиб бораётганлиги тўғрисида келтирилган маълумотларни эшитиб ҳурсанд бўлдик.

Француз коммунистлари ишчилар синфи билан ва меҳнаткашларнинг бошқа табақалари билан маҳкам боғланган, марксизм-ленинизмга содиқ бўлган кучли коммунистик партия демократия ва социализм учун курашда муваффақиятлар қозонишнинг энг яхши гарантияси, деган фикрга ҳақли суратда асосланиб иш кўрмоқдалар. Франция коммунистик партияси Франциянинг мустақил ташқи сиёсати учун, халқларимиз ва мамлакатларимиз ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун олиб бораётган кураши муҳим аҳамиятга эгадир.

Сизнинг съездингизда социализм учун кураш проблемаларига катта эътибор берилмоқда. Биз бунда замон тақозосини кўриб турибмиз. Кўп мамлакатларнинг халқлари социализмни кун тартибига қўйдилар. Бу меҳнаткашларнинг порлоқ орзу тилаклари бўлиб-гина қолмай, актуал сиёсий вазифа ҳамдир.

Совет Итифоқида, Европа ва Осиё мамлакатларида, Кубада социализм қурилиши ва унинг тараққиёти ярим асрдан кўпрок вақт мобайнида тўпланган тажрибанинг бебаҳо хазинасидир. Юз миллионларча кишиларнинг ижтимоий-тарихий практикасида ҳосил қилинган бу тажриба демократия ва янги жамият қуриш йўлида кураш олиб бораётган барча меҳнаткашлар учун шубҳасиз катта аҳамиятга эгадир.

Социализм тайёр тугалланган ҳолда вужудга келмаслигини ҳаёт кўрсатиб турибди. Социализм учун курашда коммунистик партиядан, ишчилар синфидан ва барча меҳнаткашлардан эксплуататорлик жамиятини революцион тарзда ўзгартириш соҳасида собитқадамлик билан иш кўриш, тобора янги бунёдкорлик воситаларини ҳал этабилиш, мисли кўрилмаган миқёсдаги ана шу новаторлик ишида рўй бериши мумкин бўлган камчилик ва хатоларни йўқота билиш талаб этилади.

Социалистик мамлакатлар қудратли ҳамдўстлигининг мавжудлиги ва унинг муваффақиятлари кишилик жамияти тараққиётининг белгиловчи омилидир. Жаҳон социализм системаси империализмга қарши курашда ҳал қилувчи роль ўйнамоқда, халқларнинг бутун озодлик ҳаракатига таянч бўлиб хизмат қилмоқда. Дўстларимиз ҳам, душманларимиз ҳам буни яхши тушунадилар. Социализмнинг муваффақиятлари — капитал мамлакатларидаги меҳнаткашларнинг туб ҳуқуқлари ва ҳаётий манфаатлари учун, демократия ва социализм учун курашида янгидан-янги муваффақиятларни қўлга киритишга ёрдам бераётган муҳим ташқи омилдир. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси социалистик мамлакатларнинг буюк ҳамдўстлигини мустаҳкамлаш ва равнақ топтириш учун бундан буён ҳам мумкин бўлган ҳамма чораларни кўраверади.

Реал социализмнинг муваффақиятлари социал ва миллий озодликка интилаётган барча халқлар учун илҳомбахш омил бўлиб хизмат қилади. Бу ҳақиқатни англаш яна шу нарсада намоён бўлмоқдаки, коммунистлар буржуа пропагандасининг социалистик мамлакатларга қарши туҳмат кампаниясига қаттиқ зарба бермоқдалар ва бу мамлакатларнинг эришган муваффақиятларини тушунтириб бермоқдалар.

Франция Коммунистик партияси Марказий Комитетининг 1974 йил январь ойида бўлиб ўтган пленуми «Антисоветизмга қарши кураш — ҳамманинг иши» деган баёнотни қабул қилди. Ўртоқ Жорж Марше КПССнинг XXIV съездида сўзлаган нутқида қуйидагилани таъкидлаб ўтган эди: «Дарҳақиқат, барча озодлик ҳаракатлари, социал озодлик, миллий мустақиллик ва тинчлик йўлидаги ҳамма жанглар жаҳон социалистик системасида ва аввало Совет Иттифоқида таянч ва мадад топмоқда. Шу сабабли антисоветизм қандай формада ва қаердан пайдо бўлишидан қатъий назар, — ишчилар синфининг ва халқларнинг манфаатларига қарши қилинадиган жиноятдир».

Совет коммунистлари бу позицияга муносиб баҳо берадилар ва уни синфий бирдамлик ҳамда пролетар интернационализмининг ифодаси, деб биладилар.

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз, унинг Марказий Комитети Франция Компартияси билан бирдамлик ва қардошларча дўстликнинг мустаҳкам восталарини қадрлайдилар. Бу бирдамлик ва қардошларча дўстлик чуқур илдиз ёйган. КПСС билан Франция Компартиясидан ҳар бири ўз шароитларида тинчлик, демократия ва социализм учун, жаҳон коммунистик ҳаракатининг жиплиги учун муштарак кураш олиб бормоқда.

Совет коммунистлари партияларимиз ўртасида марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принципларига асосланган бирдамлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кучайтириш учун бундан буён ҳам ҳамма чораларни кўрадилар.

Бутун совет халқи Франция халқига самимий изза-ҳурмат туйғуларини изҳор қилади, Франция халқи билан анъанавий дўстликни ардоқлайди, турли соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга интилаверади. Бу эса мамлакатларимизнинг туб манфаатларига, Европада ва бутун дунёда тинчлик ҳамда хавфсизлик манфаатларига мос бўлиб тушади.

Яшасин Совет Иттифоқи ва Франция халқлари ўртасидаги дўстлик!

Яшасин КПСС билан ФКПнинг жанговар қардошлиги!

Яшасин марксизм-ленинизм!

* * *

Ўртоқ А. П. Кириленконинг нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча бор қарсаклар билан бўлиниб турди.

А. П. Кириленко Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Франция Коммунистик партияси XXII съездига табрикномасини топширди ва КПСС Марказий Комитетининг француз коммунистлари съездига эсдалик совғаси — Қизил байроқни Франция Коммунистик партияси Сиёсий бюросининг аъзоси, ФКП Марказий Комитетининг секретари Г. Плиссоньега тақдим этди. Залда яна гулдурос қарсаклар бошланди.

Митингда Г. Плиссоньє нутқ сўзлади.

Нантердаги митинг пролетар интернационализми, коммунистлар жанговар бирдамлигининг ёрқин намойишига айланди.

Қардош коммунистик ва ишчи партияларининг ФКП XXII съездида ҳозир бўлган делегациялари билан учрашига бағишланган оммавий митинглар бугун Марсель, Лион, Тулуза, Лиллда ва мамлакатнинг бошқа бир қанча шаҳарларида ҳам бўлиб ўтди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

АНГОЛАНИНГ ОЗОДЛИГИ УЧУН КУРАШ

Ангола Халқ Республикасига қарши агрессия бошлаган империализм, иркчилик ва реакция бирлашган кучларининг режалари барбод бўлмоқда. Ғарбдаги империалистик доиралар мушкул аҳволдан қутилишга уриниб, кейинги вақтларда Ангола халқ озодлик қуролли кучларига қарши жангларда қатнашиш учун НАТО мамлакатларидан сотқинларни ёллаш кампаниясини кенгайтириб юбордилар. Одамларнинг кўп миқдорда ёллаб олинаётганлиги, бу операция бир марказдан туриб координация қилинаётганлиги ва пул билан таъминланаётганлиги НАТО ҳарбий блокида ана шу мамлакатда уруш ҳаракатлари олиб боришга тайёргарлик кўрилмоқда, деган хулоса чиқариш имконини беради.

Лондонда чиқадиган «Дейли телеграф» газетаси таъкидлаб ўтганидек, турли мамлакатларда сотқинлардан иборат кўп миллатли армияга одамларни ёллаш ва бу армияни тайёрлаш соҳасидаги ишлар пухта келишиб олинган бўлиб, бу операцияларга бир марказдан йўл-йўриқ кўрсатилмоқда. АҚШ Марказий разведка бошқармаси. Жанубий Африка маҳфий хизмат бўлими ва Ғарбдаги бир қанча мамлакатларнинг разведкалари одамларни ёллашнинг асосий ташкилотчиларидир. Ғарб матбуоти ёлланган сотқинлар асосан Америка қурол-яроғлари билан таъминланганлигини ва уларнинг кўп уруш ҳаракатларида қатнашаётганлиги тўғрисида ҳам хабар берди.

Ангола Халқ Республикасига қарши агрессияни кенгайтириш хавфи давом этаётганлиги Анголадаги ҳарбий авантюрада ташқи империалистик кучларга очиқдан-очик умид боғланганлигини кўрсатиб турибди. Бу ҳол кишиларни қаттиқ ташвишга солмай қололмайди, албатта. Ғарб мамлакатларидаги тараққийпарвар кишилар ва арбоблар, Африкадаги мустақил давлатларнинг раҳбарлари, халқларнинг тинчлиги, озодлиги ва хавфсизлигини қадрлаётган кишиларнинг ҳаммаси сотқин қотилларнинг ёллаб олинишига қарши чиқмоқдалар.

Сотқинларнинг қўли билан Ангола Халқ Республикасини бўғиб ташлаш йўлидаги уринишлар муқаррар барбод этилади. Ангола халқ озодлиги қуролли кучларининг жанг майдонларида эришаётган муваффақиятлари, жаҳондаги барча тараққийпарвар кучларнинг ва аввало, социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг бу мамлакат халқини қўллаб-қувватлаётганлиги Ангола халқининг ғалаба қозониши учун гаровдир. Ангола халқининг кураши билан бирдамлик юзасидан Луандада ўтказилган фавқулодда халқаро конференция ана шундай ёрдам ва маладнинг ёрқин намойиши бўлди.

Бу анжуманда жаҳондаги турли мамлакатларнинг, халқаро ва миллий ташкилотлар ҳамда миллий-озодлик ҳаракатлари ташкилотларининг 80 дан ортиқ делегацияси қатнашди. Анжуман иштирокчилари Ғарбда ФНЛА ва УНИТАдаги сотқин отрядларга одамларнинг ёллаб олинишидан даргазаб бўлганликларини изҳор қилдилар. Улар жаҳондаги барча мамлакатларга оташин даъват билан мурожаат қилиб, уларни Ангола Халқ Республикаси ҳукуматини тан олишга, ёш давлатни ҳимоя қилиш учун бутун жаҳонда кенг кампанияни авж олдириб юборишга чакирдилар, интервенциячиларга, бузғунчиларга, ёлланган сотқинларга ва иркчиларга ҳар қандай ёрдам берилишини тўхтатишга эришишга даъват этдилар.

В. СКВОРЦОВ, (ТАСС).



ҲИНДИСТОН. Мадорас яқинидаги Тамиланд штатининг пойтахти Махабалипурамда Ҳиндистоннинг қадимий архитектура ёдгорликлари сақланиб қолган. Уларнинг кўпчилиги VII—VIII асрларда бунёд этилган. Суратда: Махабалипурамдаги қадимий ибодатхоналар.

А. Грахов фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ПЕКИННИНГ НАВБАТДАГИ УЙДИРМАСИ

Кейинги вақтларда ғарбда Совет—Хитой чегарасидаги Синьцзян районида гўё қуролли тўқнашувлар бўлди, деган ёлғон хабарлар тарқатилмоқда. Бу хабарлар ХХР радиостанциялари, Пекин газеталарининг маълумотларига асосланиб эълон қилинмоқда.

Бу хабарларнинг ҳаммаси бошдан охиригача уйдирмадир. Совет—Хитой чегарасидан ҳеч қандай қуролли тўқнашувлар бўлгани йўқ. Афтидан, бундай уйдирмаларни Пекин Хитой халқида Совет Иттифоқига нисбатан душманчилик туйғуларини кучайтириш мақсадида тарқатаётган бў... керак.

Улар танг аҳволга тушиб қолганлиги учун ҳам шундай ёлғон-яшиқ гапларни тарқатишга мажбур бўлмоқдалар. Пекин раҳбарлари ўз халқининг диққат-эътиборини ички низолардан, кейинги вақтларда хокимият учун кураш кучайиб кетганлигидан қандай қилиб бўлса ҳам четга буришни истайдилар.

Пекин пропагандасининг навбатдаги бу уйдирмаси на Хитой халқини, на бошқа мамлакатларнинг афкор оммасини чалғита олмайди, деб ўйлаш керак. Пекин тарқатган бу уйдирманинг ҳам миси чиқиб қолди.

(ТАСС).

Советлар мамлакатида

СЕРМАҲСУЛ ҚУДУҚ

Боку архипелаги акваториясида пармаланган мамлакатда энг чуқур денгиз қудуғи 5,660 метр чуқурлиндан ёқилғи бермоқда. Ундан бир суткада миллион кубметр газ ва 250 тонна конденсат чиқмоқда. Мастерлардан Н. Погосов билан Ш. Салимов бригадаси шу рекорд чуқурликдаги қудуқни муддатидан қарийб уч ой аввал пармалаб битказди.

ЦЕХДАН ДАЛАЛАРГА

Карпов номли Менделеев кимё заводида (Татористон АССР) қимматли минерал ўғит — калий сульфат ишлаб чиқарила бошлади. Бу модда картошка ва бошқа экинлар ҳосилини анча оширади. Йил охиригача химиклар колхоз ва совхозлар учун 7 минг тоннагача ўғит ишлаб берадилар.

ҚУЙМА МЕБЕЛ

Бендери шаҳридаги (Молдавия ССР) «Фанеродетал» комбинатида стул ишлаб чиқарадиган цех ишга туширилди. Автомат линиялар буюм деталларини пишиқ пластиккдан қуйиб ясайди. Натижада минглаб куб метр ёғоч тежаш мумкин бўлади. Сиртдан пластик стулни ёғоч стулдан ажратиш қийин. Атиги 20 та оператор ишлайдиган цех ҳар йили 125 минг та стул ва кресло тайёрлаб чиқаради.

(ТАСС).

ЙИЛЛАР МАЗМУНИ

А. Н. ОСТРОВСКИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ТЕАТР ВА РАССОМЛИК САНЪАТИ ИНСТИТУТИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНЛИГИНИНГ 30 ИЙЛЛИГИГА

Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон ССРда тўнғич олий санъат мактаби бўлган институтимиз совет халқи фашизм билан мардонавор жанглар олиб бораётган бир пайтда ташкил этилди. Шу фактни эсласак, кўнглимиз беихтиёр фахр ҳиссига тўлади: чунки, партия ва ҳукуматимиз Ватан ва халқ учун энг оғир кунлар кечаётган дамларда ҳам малакали санъатчилар, санъатшунослар тарбиялаб чиқаришни унутмади.

Институт 1945-46 ўқув йилидан бошлаб театр ва кино актёрлиги, режиссура ва театршунослик факультетларига илк марта қабул ўтказди. Биринчи ўқув йилидаги талабаларнинг сони юзга етар-етмас эди. Ҳозирги кунда эса бир ярим мингга яқин студент таълим олмоқда.

Партия ва ҳукуматимизнинг Тошкентда театр ва рассомлик санъати институти очиш ҳақидаги қарори санъатнинг бошқа барча турлари бўйича ҳам олий малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кўзда тутилган режанинг бошланиши эди, албатта. Чунончи, орадан роппа-роса ўн йил ўтиб, 1954-55 ўқув йили институт структураси такомиллаштирилиб, у А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти деб аталди ва тасвирий санъатнинг барча турлари юзасидан мутахассислар тайёрлаш ишига ҳам киришилди. Институт ташкил этилганидан буён уни 23 миллатга мансуб 2295 мутахассис тамомлаб чиқди ва бепоён мамлакатимизнинг барча иттифоқдош республикаларида ижодий меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг орасида СССР халқ артистлари, санъат арбоблари, фан докторлари, саҳна, экран санъатининг етук намояндалари, санъатшунослик фанининг катта билимдонлари бор.

Республикамизда театршунослик фанининг шаклланиши ва бу соҳада йирик мутахассисларнинг етишиб чиқиши ҳам Тошкент театр ва рассомлик санъати институти фаолияти билан чамбарчас боғлиқ. Чунончи, санъатшунослик докторлари Мамажон Раҳмонов, Муҳсин Қодиров, кандидатлар Любовь Авдеева, Виктор Дьяченко, Сотимбой Турсунбоев, Тамара Сильмельштейн, Тешабой Баяндиев, Иноятилло Пўлатов ва бошқа кўплаб олим-педагоглар Ўзбекистонда театршунослик фанини янги босқичга кўтаришда муносиб ҳисса қўшдилар. Етук кадрларни тайёрлашда театршунослик кафедрасига 18 йил муттасил раҳбарлик қилган Я. Фельдман ва театршунос А. Рибникнинг хизмати катта бўлди. Институтимизда таҳсил кўрган театршунос ва санъатшуносларнинг катта армияси Ўзбекистон ва қардош республикаларнинг журнал, газета, телевидение, телестудия, радиостудияларида редакторлик ва адабий эмакдошлик вазифаларида муваффакиятли ижодий меҳнат қилмоқдалар.

Республика тасвирий санъати равнақига муносиб ҳисса қўшганлигимиз ва қўшаётганлигимиз билан беҳад ҳурсандмиз. Институтнинг тасвирий санъат бўлимини тамомлаб чиққан қалдирғоч мўйқалам соҳиблари ўн тўрт йилдирки, самарали ижод қилиб, бу соҳада янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиб келмоқдалар. Эндиликда Самиғ Абдуллаев, Бахтиёр Бобоев, Георг Брим, Владимир Кудин ва бошқа ўнлаб рассомларнинг ижодисиз ўзбек тасвирий санъатини тасаввур қилиб бўлмайди.

Энг муҳими шундаки, биз кадрларни тайёрлашда ўз мактабимиз ва анъаналаримизни ярата олдик. Бу анъана институт пойдеворига биринчи ғишт қўйган ажойиб ташкилотчи, таниқли ижодкор, жонкуяр олим-мураббийларнинг фаолиятидан бошланди. Шунинг учун ҳам институтнинг биринчи ректори М. Верхацкий, актёрлик маҳорати кафедрасининг биринчи мудири муҳтарам устоз, Ҳамза номидаги Ленин орденли ўзбек давлат Академик драма театрининг ташкилотчиси Маннон Уйғур, машҳур режиссёр ва педагоглар Етим Бобожонов, Александр Гинзбург, профессорлар М. Григорьев, А. Эфрос ва бошқа катор санъат муаллимларини алоҳида ҳурмат билан тилга оламиз.

Институт ижод, гўзаллик, маданият ва умуман мафкуравий таълимнинг олдинги сафларида фаолият кўрсатувчи даргоҳ бўлгани учун ҳам ижтимоий фан асослари, санъат назарияси, марксча-ленинча эстетика принципларини атрофлича ва пухта ўқитиш ишига алоҳида аҳамият берилади. Шунинг учун ҳам институт назарий факультетида таҳсил кўрган мутахассислар орасида анчагина философ ва эстетика олимларини кўрамиз.

Ўзбекистон телевидениеси режиссёр ва актёрлар коллективининг кўпчилиги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти кадрларидир. Улар биздан театр ва кино актёри ҳамда режиссёри, театршунос мутахассис сифатида телевидениега бориб, кейинчалик махсус малака оширганлар.

Биз ўттиз йил мобайнида эришган ютуқларимизни ҳисоблаб, ютуқлардан қаноат ҳосил қилиб, кўпроқ олдимизда турган вазифа ва режаларни аниқ кўра билмоғимиз лозим. Зоган, биз бўсағасида турганимиз КПССнинг XXV съезди, самарадорлик ва сифат беш йиллиги деб аталган ўнинчи беш йиллик бизнинг олдимизга шундай талабларни қўяди.

Санъатнинг кўпгина соҳалари бўйича кўплаб малакали кадрлар тайёрлаб беришни аввало давримиз тараққиёти талаб этмоқда. Шуни алоҳида қайд этамизки, санъаткор, ноёб ва ҳақиқий ижодкор институтимиз остонасидан ҳаётга йўлланма олиши керак. Бу — давр талабидир.

С. КАМОЛИДДИНОВ,
А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти ректори, санъатшунослик кандидати.

Суратда: Тошкент театр ва рассомлик санъати институтининг бир гуруҳ ўқитувчилари: (чапдан ўнгга биринчи қатор) илмий ва ижодий ишлар бўйича проректор, доцент Т. Турсунов, актёрлик маҳорати ўқитувчиси М. А. Рубенштейн, ўқув ишлари проректори, доцент Т. Баянднев, театр декорацияси кафедраси мудири, Ўзбекистон ССР халқ расоми В. А. Рифтин, (иккинчи қатор) драма театри ва кино актёрлиги факультети декани Т. Исломов, музикали драма ва комедия театри актёрлиги факультети декани М. Исроилов, театршунослик кафедраси катта ўқитувчиси Т. И. Сильмельштейн.

А. Тўраев фотоси.

АХБОРОТ

ОЛМАЛИҚ МЕБЕЛИ

Олмалиқ мебель фабрикаси коллективи мебелларнинг энг яхши намуналарини Москвага, Бутуниттифоқ кўргазмасига, ўзига хос уй жиҳозлари комплектини жўнатди. Корхона секцион гарнитураларни намойиш қилиб кўрсатади. Бу гарнитуралар квартирадаги ҳар қандай майдонда ва турли шаклларда дидга қараб фойдаланилиши мумкин. Олмалиқ мебели фабрикада маҳсулот сифатини бошқариш системаси жорий этилиши биланоқ энг яхши намуналар қаторига қўшилди.

ШИНАМ УЙЛАР

Қарши ва Шеробод даштларидаги янги посёлкаларда ишлаётган бинокорларга ниғма уйлар етказиб берадиган Жарқўрғон силикальцит заводида қурилган эшик блоклари цехи дастлабки маҳсулотни бера бошлади. Бу цех йилига 40 минг квадрат метрдан зиёд шундай блокларни чиқара олади. Бинобарин, ана шу муддат мобайнида қўриқ ерда барпо этиладиган 500 та икки квартирали уйларнинг ҳаммасида яқинда ҳовли тўйлари ўтказилади.

МАИШИЙ ХИЗМАТ КОМБИНАТЛАРИ

Қораўзак райони марказида янги маиший хизмат комбинати ишга туширилди. Тикувчилик цехи, сартарошхона, телеателье, пойафзал, соат ва бошқа буюмларни ремонт қиладиган устахоналар шу ерда жойлаштирилди. Яқин йиллар мобайнида Нукусда, Хўжайлида, Тахиатошда ва Қорақалпоғистоннинг бошқа шаҳарларида шундай янги уйларни қуриш планлаштирилмоқда.

УЛКАН ҚУВУР

«Голирмонтажстрой» трестига қарашли Василий Гаркуша бошлиқ бригада Жиззах машина каналининг бош қисмида қувурнинг биринчи звеносини монтаж қилиб бўлди. Мирзачўл ва Жиззах даштларидаги сув хўжалиги қурилишларида ҳозирга қадар диаметри 4,2 метр келадиган қувурлар ишлатилмаган эди. Бригада шунга қарамасдан КПСС XXV съезди очиладиган кунгача нормадагидан бир ярим баравар ортиқ, яъни 25 та қувур йиғиш мажбуриятини олди.

«СУРХОН» ЛИМОНИ

«Сурхон» совхозининг лимонзоридан дастлабки ҳосил олинди. Олинган ҳосил анчагина мўл-кўл: 0,2 гектар теплица майдонидан ўн минг дона узилди. Дастлаб йиғиштириб олинган лимонлар умумий овқатланиш корхоналарига, болалар боғчаларига юборилди.

Цитрус экинларини парвариш қилиш бу йирик пахтачилик хўжалигининг етакчи соҳаларидан бири. Бу ерда шу беш йилликда лимонзорни икки гектаргача кенгайтириш кўзда тутилади.

ТРАКТОРЛАР «ШИФОХОНАСИ»

Гулистондаги янги ремонт-механика заводида «Олтой-Т-4» маркали тракторларнинг дастлабки туркуми ремонт қилинди. Бу корхона «Узсельхозтехника» бирлашмасига қарашли районлараро устахона базасида барпо этилган.

Асосий цех — трактор ремонти цехи ишга туширилди, бу ерда йил охиригача камида уч юзта машина «даволанади». Металл конструкцияси, қўйиш ва қишлоқ хўжалиги машиналари деталларини қайта ясайдиган цехларда қурилиш-монтаж ишлари поёнига етказилмоқда.

«Совет Узбекистони» ва УзТАГ мухбирларининг хабарларидан.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЕТИ ЙЎЛИДА

ТЎҚИМАЧИЛАРГА ЁРДАМ

«Кренгольмская мануфактура» комбинатининг янги тўқув фабрикасида энди заряжалшчица ва отрившчица касблари қолмади. Ватанимизда ишланган янги СТБ-2-175 станоклари ўша касбдаги кишилар бажарадиган машаккатли операцияларни тугатишга имкон берди.

Заряжалшчиларга бутун смена мобайнида станокларга калава қўйиб туриш билан шуғулланар эдилар. Эндиликда бу ишни автомат бошқармоқда. Янги станокларда калава узилмайди. Бунинг устига янги техника карийб 1,5 баравар серунум бўлиб, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилишини гарантиялайди.

Тўқимачилар машина-ускуналарнинг мўлжалдаги иш унумига барвакт эришдилар. Ҳар бир станокдан улар нормадаги 7,4 метр ўрнига соатига 8,1 метрдан хом сурп тўқиб олмоқдалар. Ҳамма тўқимачилар кенгайтирилган зонада ишлаяптилар, илгор ишчилар эса 15 тадан станокни юргизяяптилар. У нормадан карийб икки баравар кўплик қилади.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 535 ЙИЛЛИГИГА

НАВОИЙ ВА ШАТРАНЖ

Бутун ҳаёти ва сермаҳсул фаолиятини инсон бахт-саодати йўлига, халқ осойишталигига, мамлакат ободончилигига, илм-фан ривожига, адабиёт ва санъат тараққиётига бағишлаган улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий колдирган мерос жаҳон маданиятининг ноёб обидалари сифатида яшамоқда, қадрлаб-эъзозланмоқда.

Навоий ўзининг кўп қиррали фаолияти даврида қадимий шатранж-шахмат маданиятининг юксалишига маълум даражада ҳисса қўшганлиги, бу соҳанинг илғор вакилларини ҳам ўз қаноти остига олиб, уларга раҳнамолик қилганига бошқа тарихий манбаларгина эмас, балки шоирнинг ўз асарлари ҳам гувоҳлик беради.

Навоий эллик ёшида яратган асари «Мажолисун-нафоис»да ўша давр илғор кишилари каторида шатранж устодларини ҳам бирин-кетин тилга олиб ўтади. Олтинчи шеърий достони — «Лисонуттайр» Навоийнинг умри охирларида яратилган фалсафий асари бўлиб, унда шоир мажозий образлар ва уларнинг рамзли саргузаштлари орқали объектив борликни эътироф этади, инсонни кўкларга кўтаради. Унда анчагина реалистик ҳикоялар ҳам бор. Шулардан бири «Шатранжи қабир ҳикояти» (Навоий, асарлар. XI том):

Икки шатранж ўйнагувчи устод,
Арсан шатранжга айлаб кушод,
Икки жонибдин бўлиб оромгир,
Тўқдилар ўртада шатранжи кабир.

Мазкур сатрлар билан бошланувчи бу ҳикояни қисқача таҳлил этиб, таниқли навоийшунос олимларимиздан Абдукодир Ҳайитметов, чунончи, шундай фикрларни айтган эди: «Бу ҳикояда шатранж тафсили ажойиб чизиб берилган. Навоий икки томоннинг бир-бирига қарши юришларини ҳарбий урушларга ўхшатади ва харбий терминлардан ўз тасвирида кенг фойдаланади. Навоий ҳикоядан ажойиб хулоса чикаради: бу икки «шоҳ»нинг «уруши» тахтада турган доналар — сипоҳу пиёдаларни бир силкиб юбориш билан ном-нишони ўчадиган уруш дейди. Ҳикоя шундай тугалланади:

Чун харита ичра боғланди барқ,
Шаҳ қўйидур ё пиёда юқари.

Яъни ўйин бошлаш олдидан ҳурмат билан тахтага дастлаб терилган шоҳлар ўйин тугагач, халтага солинганда пиёдалар остида колиб кетадилар, деб подшоларнинг тутган мавкелари сира ҳам турғун эмаслигига ишора қиладир».

Навоийнинг ўзи ҳам шатранж ўйнаб турган яхлит бирон-бир ишончли манбани ҳозирча учратмадик. Лекин юқоридаги ҳикоянинг нақадар пухта ёзилганлиги ҳамда ўша даврнинг устоз шатранжчиларига берилган ихчам характеристикалар фақатгина кузатувчанлик йўли билан бунёд этилиши асло мумкин эмаслиги яққол кўриниб турибди. Бинобарин, Навоийнинг ўзи ҳам бу ўйинни севгани ва яхши билгани муқаррар.

«Мажолисун-нафоис»да ўша замоннинг энг кўзга кўринган шатранж усталарига берилган ажойиб баҳолар ҳам ўрин олгани диққатга сазовордир. Бу, Навоий замонида шатранж маданият ва санъат тоифасида ҳурматланганлигининг яққол далилидир. Мана намуналар:

«Мавлоно Соҳиб — қабуджамолигдур. Яхши таъби бор. Ғойибона шатранжни хуб ўйнар ва таъбида жунун чошниси бор... Муаммо айтур ва яхши очар».

Асарларни вараклашда давом этамиз:

«Мир Муртоз — кичик ёшдан бериким, илм касбига машғулдир. Анга тегурким кўпрок улумда донишманд бўлди — ўз мутолааси била бўлди. Кеча тонг отгунча ва кундуз оқшом бўлгунча иши мутолаа эрди... Шатранжга андоқ мағлубдурким бир ҳариф илгига тушса, халос бўла олмас. Бу жиҳатдин ҳарифлар андин кочарлар. Машхурдирким, агар икки ҳариф илгига тушса, бири била ўйнаб, яна бирининг этагин берк тутиб ўлтурурким, бири кочса, бори бири илгида бўлғай. Ва ҳаю тақдир андоқ беназир киши эз бўлғай».

Забардаст олим, шатранж ишқи Мир Муртознинг зақматкашлиги илми мусиқийда ҳам машҳур эди.

Мир Муртознинг номини Заҳириддин Муҳаммад Бобир ҳам тилга олиб ўтган. «...Шатранжга кўп шағафи бор экандур, бу мартабадаким, агар икки ҳариф учраса, бири била шатранж ўйнаб, яна бирининг этагини тутуб ўлтурур экандурким кетмағай деб».

«Мавлоно Муҳаммад Толиб — мажнунваш йигитдур, толиби илмлиги ҳам бор ва шатранжга ажаб машъуфдир ва муаммоға ҳам кўпроқ машғул бўлур».

«Мавлоно Васлий — Мавлоно Хожа Калон козининг ўғлидур. отасини ҳирий аҳли иттифоқ била ақл ва раъйга мусаллам тутарлар эрди. Ўзи хейли салоҳиятли йигитдур. Кабир ва сағир шатранжни хуб ўйнар. Яхши суҳбатлиқ, хуштаъб, салим нафас одамийдурур».

Навоий ўзининг «Мажолисун-нафоисида 400 дан ортиқ шоир ижодига тўхталар экан, ҳар кандай намуналарни ҳам унга киритавермаган, албатта. Бинобарин, номи зикр этилган устод шатранжчилар шеъриятда ҳам анчагина бақувват бўлганликлари аниқ. Яна шуниси диққатга сазоворки, шатранжчиларнинг кўпчилиги муаммо илмининг ҳам даргалари бўлган. Одатда таҳлил қуввати зўр бўлмай туриб, муаммо илмини ҳам, шахмат маҳоратини ҳам юқори чўққига кўтариб бўлмайди. Бу иккала соҳада ҳам ҳар қандай майда нарсалар назардан четда қолмаслиги, бунинг учун эса, бенуқсон хотирага эга бўлмоқ даркор.

Навоий асарлари шатранж тарихини ҳамда терминологиясини ўрганиш ва яратишда кимматли манбалардан экани турган гап. Навоий ўша вактларда икки хил шахмат: шатранжи кабир ва шатранжи сағир мавжуд эканлигини айтиб, ўнга қўя колмай, юқорида зикр этилганидек, «Шатранжи кабир ҳикояти»ни битган. Шатранжи кабирда (катта шахматда) сипохлар орасида айиқ (даббоба), зурофа—(жирафа), куннофа (туя)лар ҳам бўлган. Амир Темур ана шундай 100-112 хонали шатранжда ўйнашни афзал биларди. Шатранжи сағир эса 64 хонадан иборат тахтада ўйналадиган одатий шахматдир.

Навоий доналарни кўриб ўйнашдан (шатранжи хозиронадан) ташқари, тахтага қарамай, яъни доналарни кўрмай ўйнаш (шатранжи ғойибона) ҳам маълум эканлиги ва бу борада Хуросон шатранжчилари анча маҳоратлилигини айтади.

Мана бу сатрлар ёзувчи Л. Батнинг «Ҳаёт бўстони» асаридан олинди.

Бек доналарни тахтага териб бўлди. Тахтанинг нариги тарафига атоқли бир кекса шоир ўтирди. Бек шоирнинг отини оларкан, ғолибона оҳангда байт ўқиди:

Бир ишгаки жазм этиб,
тугатмаса ҳар инсон
Элу юрти ўртасида ўлгани
шу, бегумон.

— Алишер номингдан айланай, бери кел! — деб чакирди уни шахмат ўйнаб ўтирган шоир. — Мана шу отни юрайми, йўқми? Алишер диккат билан тахтага тикилиб алланималарни чамалаб кўрди-да, бирдан ишонч билан: юринг! — деди.

Боғдаги чийдан ишланган шийпонда Навоий билан қоп-қора, туйғун кўзли йигит шахмат ўйнаб ўтиришарди. Бу шоир Ҳилолий эди. У қуёшда қорайган нозик қўли билан тахтадаги доналардан бирини сурди-да, хониш қилиб байт ўқиди.

— Азизим Хилолий, шатранжда битта юриш қилишингиз «Шоҳ ва гадо» достонингизни ёзишдан ҳам оғир бўлди-да, чоғи. Бу ҳолда сизни эртагача ҳам ютиб бўлмайди...

М. МУҲИТДИНОВ,
тарих фанлари кандидати.

Н. ЭСОНТУРДИЕВ

Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, колхоз қурилиши ветерани, 1938 йилдан КПСС аъзоси, Самарқанд областидаги «Октябрь» колхозининг раиси Нормамат Эсонтурдиев 1976 йил 6 февралда вафот этди.

Нормамат Эсонтурдиев 1903 йилда туғилди. Меҳнат фаолиятини 1917 йили батракликдан бошлади. Н. Эсонтурдиев Булунғур районидаги «Деҳқон бирлашуви» колхозига биринчилардан бўлиб кирди. 1933 йили Булунғур районидаги Қувондиқ қишлоқ Советининг раислигига сайланди. Сўнгра Булунғур район ижроия комитети раисининг ўринбосари, ижроком раиси бўлиб ишлади. 1951 йилга қадар совет органларида масъул ишларда ишлади. Н. Эсонтурдиев эллигинчи йилларда Нарпай районидаги хўжалик органларини бошқарди, Булунғур район қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш бошқармасининг бошлиғи бўлди.

Колхоз ишлаб чиқаришининг моҳир ташкилотчиси ва тажрибали мутахассис сифатида Самарқанд областидаги қатор колхозларга раис бўлиб сайланди. Н. Эсонтурдиев 1963 йилдан буён Жомбой районидаги «Октябрь» колхозига муттасил раислик қилиб келди.

Н. Эсонтурдиев республика партия-совет активи орасида муносиб обрў қозонди. Бир неча бор Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлигига сайланди, Ўзбекистон Компартиясининг қатор съездлари делегати эди.

Партия Н. Эсонтурдиевни қаерга юбормасин, ҳамма жойда у принципиал ва ишга садоқатли раҳбар сифатида ўзини кўрсатди, бутун куч-қуввати ва катта тажрибасини партия ва халқ ишига бағишлади.

Партия ва ҳукумат Н. Эсонтурдиевнинг республика қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга қўшган ҳиссасини юксак баҳоладилар. У Ленин ордени, икки марта Меҳнат Қизил Байроқ ордени, «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар билан мукофотланган эди. Пахтачиликни ривожлантиришдаги катта хизматлари учун 1973 йили Н. Эсонтурдиевга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» унвони берилган эди.

Коммунистик партиянинг содиқ фарзанди, ажойиб меҳнаткаш, сезгир ва меҳрибон ўртоғимизнинг ёрқин хотираси ҳамиша қалбларимизда сақланиб қолади.

Бир группа ўртоқлари.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Реклама ва эълонлар

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
9, 10 ФЕВРАЛЬ КЕЧ СОАТ 7 ДА
КПССНИНГ XXV СЪЕЗДИ ОЛДИДАН

ЛИРИК ХОНАНДАЛАР ДАВРАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ; Бутуниттифоқ эстрада артистлари конкурсининг лауреати КАРИМА УЗОҚОВА;

VI жаҳон фестивалининг лауреати Отажон РАЖАБОВ;

Миниатюра ва интермедияларда: Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Турсунбой ҲАҚИМОВ, Абдуфаттоҳ САИДОВ, Ҳайитали НИЗОМИДДИНОВ, Нодира АҲМЕДОВА, Ширмоной АБДУЛЛАЕВА, Рихсибой ТУХТАЕВ, Ханифа ОРТИҚБОЕВА, Рустам БОБОХОНОВ, Низомиддин ОЛОВИДДИНОВ, Жамила ҲАМИДОВА, Эркиной ҲА. САНБОЕВА, Арслон ҚОДИРОВ, Фарҳод АБДУЛЛАЕВ;

Оригинал жанрда Саттор ИСЛОМОВ.

Саҳналаштирувчи режиссёр — Сотимхон ИНОМХУЖАЕВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Музика раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Салоҳиддин ТУХТАСИНОВ.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилмоқда.

Телевидение

8 ФЕВРАЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 13.05 — **«Баландлик»** (бадиий фильм). 14.40 — Партия планлари — халқ планлари. 15.05 — XII қишки Олимпия ўйинларида. 17.00 — ТОШКЕНТ. 17.05 — Кичкинтойлар учун кўрсатув. 17.35 — **«Мардлик — мангулик».** 18.00 — **«Ахборот».** 18.15 — **«Қизлар давраси».** 19.15 — XII қишки Олимпия ўйинларида. 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — **«Экран» ҳандаси».** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — «Турмуш ва маданият» (тележурнал).. 23.00 — Спорт кўрсатуви. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.05 — ТОШКЕНТ. 10.10 — Янгиликлар. 10.20 — Мультфильм. 10.30 — Болалар учун телетеатр. 11.30 — Концерт. 14.15 — Киноэкран янгиликлари. 17.00 — МОСКВА. 18.00 — «Музикали киоска». 19.15 — **«Қўлингни бер, Қоплон»** (бадиий фильм). 21.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 22.30 — Концерт. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.00 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

9 ФЕВРАЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 17.50 — ТОШКЕНТ. 17.55 — Мультфильм. 18.05 — Адабий театр. Муҳаммад Али. **«Замонавий эртак».** 18.35 — **«Ёшлик»** студияси кўрсатади .18.55 — **«Ахборот».** 19.10 — **«Фан»** программаси. 19.40 — **«Ахборот».** 20.00 — «Съезддан — съездгача. Совет Қирғизистони» (Москва). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — XII қишки Олимпия ўйинларида. **Хоккей:** ЧССР — АҚШ. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 20.00 — ТОШКЕНТ. 21.00 — Концерт. 21.45 — Иқтисодий билимлар — оммага. 22.10 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 22.30 — **«Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади»** (телевизион бадиий фильм, 1-серия). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/II да **Уйланиш.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8/II да **Туркман қизи.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 8/II да **Нон, қон, инсон** (12.00).

Кино

Тонгдан тонггача — «ВОСТОК», «ЧАЙКА» (жуфт соатларда), «МОСКВА» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 19.00, 21.00), «НУКУС» (13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.45).

Буни биз ўтмаганмиз — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 12.00, 13.00, 14.00, 15.00, 19.00), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН» (10.00, 12.00, 14.00, 16.00, 18.00, 20.00, 21.30).

Муҳаббат—«ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Фавқулодда ҳодиса (16.00, 17.00), **Сўнгги ўқ** (21.00):—«ҚОЗОҒИСТОН».

Унутилмаган қўшиқ — «НУКУС» (11.00).

Ивановлар оиласи — «БИЛИМЛАР УЙИ» (жуфт соатларда).

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

кафедра мудирлари: физика, толали материалларнинг механик технологияси, машина деталлари ва кўтариш-транспорт қурилмалари, трикотаж ишлаб чиқариш технологияси.

КОНКУРС МУДДАТИ — 1 МАРТГАЧА.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, ГСП, Горбунов кўчаси, 5-уй.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг ЎРТА ОСИЁ ПАХТАЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим мудири (фан доктори ёки кандидати): тутларни дурагайлаш ва янги сортларини яратиш;

бўлим кичик илмий ходими: тутларни дурагайлаш ва янги сортларини яратиш.

КОНҚУРС МУДДАТИ—ЭЪЛОН ЧИҚҚАН КУНДАН БОШЛАБ БИР ОЙ.

Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 702044, Тошкент область, Калинин район, «Жарариқ» алоқа бўлими.

ЎРТА ОСИЁ НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ САНОАТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ («СредазНИИНП»)
вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

лаборатория мудири: синтез ва гидрогенизацион катализаторнинг жараёнларини синаш;

лаборатория катта илмий ходимлари: крекинг катализаторларини синаш, синтез ва гидроишлоотларни тозалаш катализаторларини синаш, нефть маҳсулотларини ва катализацияларни физик-химиявий тадқиқотлаш.

Конкурсда фан докторлари ва кандидатлари қатнашишлари мумкин:

КОНКУРС МУДДАТИ — 1 МАРТГАЧА.

Мурожаат учун адрес: 700000, Тошкент шаҳар, ГСП, Академиклар шаҳарчаси.

ТОШКЕНТ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИНИНГ АРХИТЕКТУРА ФАКУЛЬТЕТИ ҚОШИДА
10 ФЕВРАЛДА РАСМ ВА ЧИЗМАЧИЛИК ФАНЛАРИДАН ТУРТ ОЙЛИК ТАЙЁРЛОВ КУРСИ ОЧИЛАДИ

Справкалар учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 23-уй, 13-хона. Архитектура факультети.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН СТАНЦИЯСИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«ТОШКЕНТ—НУКУС» ИЎНАЛИШИ
ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИГА УЛАНДИ

НУКУС шаҳрининг коди 361, НУКУС телефон номерларининг справка бюроси — 2222. НОМЕРЛАРНИ ТЕРИШ ТАРТИБИ ОЛДИНГИДАГИДЕК.

Ўзбекистон ССР Госкиноси, Ўзбекистон Кинематографчилар союзи, «Ўзбекфильм», Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар киностудиялари республикада хизмат кўрсатган артист, кинорежиссёр

Альберт Иосифович ХАЧАТУРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари фалсафа ва илмий коммунизм кафедрасининг катта ўқитувчиси У. У. Ҳасановга онаси

Ҳидоятхон ҲАСАНОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000 ГСП Тошкент, ЛЕНИН проспекти № 41 * ТЕЛЕФОНЛАР

Коммутатор — 330249 дан 330258 гача
Эълонлар — 338142.

Р. 13044. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64583. В. — 32.